

ОИЛА ҲОЛАТИ ЯХШИЛАНСА, БОЛА ПУЛИ ТЎХТАТИЛАДИ



«ЕТТИЛИК» ИШ БОШЛАШНИ КУТЯПМИЗ»



«ҲОКИМЛИККА ТАКЛИФ БЕРГАНМИЗ, АММО НАТИЖА БЎЛМАЯПТИ»



«МАОШ КАМ, МОДДИЙ ЁРДАМДАН ДАРАК ЙЎҚ...»

3

«БИЗДА «БЕШЛИК» ФАОЛИЯТИ ТАРҚОҚ ЭМАС...»

5

Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ГАЗЕТА

#45 (2131) | ШАНБА, 11 НОЯБРЬ 2023 ЙИЛ

WWW.UZMAHALLA.UZ



1 МИЛЛИОН 200 МИНГ

ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛ ОИЛАЛАРНИНГ АНИҚ РҲЙХАТИ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ

2

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ!

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ МИНБАРИ,
ОШКОРА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ БЎЛГАН «МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ ВА
«МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИГА 2024 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГ!

ҲАР ИККАЛА НАШРНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ:
«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ — 600 000 СЎМ; «МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИ — 400 000 СЎМ.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 71 233 39 89, 71 233 10 92, 97 146 02 07

ЖАРАЁН

1 МИЛЛИОН 200 МИНГ

Ўзбекистонда камбағал оилаларнинг аниқ рўйхати шакллантирилди



Мамлакатимизда охириги уч йилда камбағалликни қисқартириш бўйича алоҳида тизим жорий қилиниб, молиявий инструментлар, инфратузилма масалалари ҳал қилинди. Жорий йил бошида туманлар 5 та тоифага ажратилиб, ҳар бирига шароитига қараб енгилликлар берилди. Ҳар йили оилавий тадбиркорликка 13 триллион сўм кредит ва 1,5 триллион сўм субсидия ажратилапти.

«Маҳаллабай» ишлаш тизими йўлга қўйилиб, алоҳида дастурлар ишлаб чиқилгани ҳисобига камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга тушди. Бу ўтган йили ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 3 миллион аҳоли доимий даромадга эга бўлди, 1,5 миллион аҳоли камбағалликдан қутилди, дегани. «Номли дафтарлар» ва «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ орқали 2 миллион 300 минг муҳтож оилалар, хотин-қизлар, ёлғиз кексалар ва ноғиронлиги бўлган шахслар моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинди. Умуман, бу даврда 347 та маҳалла камбағалликдан холи, яна 1,5 мингга яқини ишсизлик бўлмаган ҳудудга айланди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг маълумот беришича, айтилган 1 миллион 200 мингга камбағал оила рўйхати шакллантирилиб, «Онлайн маҳалла» электрон платформасига киритилган. Ҳоким ёрдамчилари кўмағида ҳар

бир оилани камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал дастурлар ишлаб чиқилиб, «Онлайн маҳалла» платформасига жойлаштирилган. Йил якунига қадар 127 минг 500 та оила камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражасини 12 фоизга тушириш чоралари кўриляпти.

Хўш, бунда нималарга эътибор қаратилмоқда? Йил якунига қадар камбағалликни қисқартиришнинг асосий омиллари сифатида нималар белгиланди?

БИРИНЧИДАН, оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича регламент тасдиқланди.

Ўрганишларга кўра, иш қидираётган шахсларни рўйхатга олиш, уларни ишсиз деб эътироф этиш ва шу асосда ишсизлик нафақаси тайинлашда номувофиқликлар мавжуд. «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги қонунда бунинг шартлари ва ваколатли ташкилотлар аниқ белгиланган бўлса-да, жойларда «ишсиз» фуқароларнинг сонига оид турли хил статистик рақамлар мавжуд.



Яъни кимлар ишсиз деб эътироф этилиши, уларга қачон ва ким томонидан ишсизлик нафақаси тайинланиши ва ҳоказо масалалар ҳақида кўпчилик етарлича маълумотга эга эмас.

Айни масаланинг ечими бўйича Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан «**Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича электрон давлат хизматини кўрсатиш тўғрисида**»ги регламент тасдиқланди. Регламентга кўра, эндиликда вазирликнинг туман, шаҳар бўлиналари — Камбағалликни қисқартириш ва бандлик кўмаклашиш бўлимлари Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДПХ) орқали

йўлланган аризага асосан, иш билан банд бўлмаган фуқароларни «ишсиз» деб эътироф этиши мумкин.

Бунда портал орқали тўлдирилган сўровнома маҳаллий меҳнат органига келиб тушган кундан эътиборан бир иш куни ичида ариза берувчи иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинади. Аризачи ўн кун ичида меҳнат органига мақбул келадиган иш юзасидан таклиф олиш учун бориши керак. Ишсизлик нафақаси тайинлангани ҳақидаги хабарнома ариза берувчининг ЯИДПХдаги шахсий кабинетига юборилади.

ИККИНЧИДАН, 500 минг аҳоли касаначиликка жалб қилинади.

Президентнинг 2023 йил 2 августда Тошкент вилоятига ташрифи чоғида ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқ ижроси доирасида 500 минг аҳолини касаначиликка жалб қилиш чоралари кўрилади. Бунда «Касаначилар мактаби» ташкил қилиниб, унда тадбиркор ва касаначиларга бепул консалтинг хизматлари кўрсатилади, ўқитиш ва малакасини ошириш йўлга қўйилади. Йил якунига қадар 200 минг аҳоли рўйхати «маҳаллабай» тасдиқланиб, юқори даромадли касб-ҳунар ва тад-

биркорликка ўқитилади. Бунда муқобил энергия ускуналарини ўрнатиш, интерьер дизайнери, IT, электрон савдо, электромобилларга хизмат кўрсатиш каби юқори даромадли касбларга ўқитиш кўлами кенгайтирилади.

УЧИНЧИДАН, маҳалла тавасси билан 100 миллион сўмга гаровсиз кредит берилади.

Эндиликда ҳоким ёрдамчилари ўзини ўзи банд қилганларнинг кичик ва ўрта бизнесга ўтишига кўмаклашади. Бунинг учун «Япония тажрибаси» асосида ҳудудларда бизнес-инкубатор ва акселераторлар тизими жорий этилади. Салоҳиятли тадбиркорларга дастлабки айланма маблағлари учун «кулушдорлик» капитали берилади. Бу мутлақо янги молиявий манба бўлади.

Бу ишларни молиялаштириш учун Тадбиркорлик жамғармаси фаолияти тубдан ўзгаради ва унга тадбиркорларга улушдор бўлиб кириш ваколати берилади. Шунингдек, маҳалладаги «еттилик» кафиллиги билан гаровсиз бериладиган оилавий тадбиркорлик кредитлари миқдори ҳозирги 33 миллион сўмдан 100 миллион сўмга оширилади. Ушбу маблағларнинг бир қисмини нақд пул кўринишида беришга рухсат этилади.

Умуман олганда, юқоридаги чора-тадбирлар ижроси натижасида йил якунига қадар камбағаллик даражаси 14 фоиздан 12 фоизга туширилиб, 1,27 миллиондан зиёд оила камбағалликдан чиқарилади. 1,5 миллиондан зиёд аҳоли бандлиги таъминланиб, 50 мингга яқин ўзини ўзи банд қилганлар кичик бизнес субъектига айлантирилади. Қолаверса, ишсизлик нафақаси олувчилар салмоғи ортиб, уларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилади. Иш излаётган аҳолига қўшимча қулайлик ва имконият яратиш орқали коррупция, сансалорлик ва қорғозбозлик каби иллатларнинг олди олинади.

Санжар ИСМАТОВ.

ЛОЙИҲА

Оила ҳолати яхшиланса, бола пули тўхтатилади

Хозирда болалар нафақаси ва моддий ёрдам «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» орқали 16 та вазирлик ва идорадан олинган 53 турдаги маълумотлар асосида тайинланади. Бунда уларни тайинлаш ёки рад этиш дастурда автоматик қабул қилинади. Шундай бўлса-да, айрим ўзига тўқ оилаларнинг моддий ёрдам олиш ҳолатлари учрамоқда. Бунинг ечими борми?

Амалдаги тартибга кўра, болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлангандан кейин оиланинг автотранспорт воситаси ёки даромад келтирувчи мол-мулк харид қилиши ёки оиланинг даромадлари ошган ҳолатлари ҳисобга олинмасдан 12 ойгача болалар нафақаси тўлаб берилади. Яъни оиланинг иқтисодий аҳволи ўзгаргандан кейин ушбу оиланинг мезонларга мослиги нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш давомида қайта кўрилмайд.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар

тайинлаш бўйича электрон кўринишда ариза беришни жорий этиш тўғрисида»ги қарори лойиҳасига кўра, эндиликда болалар нафақаси тайинланганидан кейин оиланинг иқтисодий аҳволи ҳар ойда автоматик тарзда ўрганилади, оиланинг иқтисодий аҳволи, иш ҳақи кўринишида олиб турган даромади, қўшимча мол-мулк ёки автотранспорт воситасини сотиб олгани тегишли давлат органларидан олинган маълумотлар асосида ҳар ой кўриб чиқилади. Шу асосда оиланинг кам таъминланганлик ҳолати ўзгармаган бўлса, нафақа тўлашда давом эттирилади. Агар моддий аҳволи яхшиланган бўлса, тўлов ўша ойдан тўхтатилади.



Ақтуар
ЖАЛҒАСБАЕВ,
Учқўрғон
туманидаги
Кўкаяз овул
фуқаролар
йиғини раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Обунага ундаш шарт эмас, шундоқ ҳам мутолаага муҳтожмиз»

Катта авлод вакиллари яхши билишади, авваллари ҳар бир хонадонда газета, журнал бўлган. Ишхонада, мактаб ва институтда ҳар доимги ҳамроҳимиз матбуот ҳисобланган. Шу нарсани аниқ биламанки, матбуотга ошно бўлган тенгдош авлод вакилларида ҳеч қачон ёмонлик чиқмаган, ёмон иллатларга яқин йўламаган. Матбуот бизни тарбиялаган, сабоқ берган, ўргатган.

Газета-журнал ўқимасликни андоза қилмаслик керак. Айниқса, ҳозирги таҳликали дунёда. «Mahalla» газетаси доимо менинг қўлимда бўлади. Ахир раис — маҳалланинг боши. Биз барча ҳодисалардан хабардор, хушёр бўлмоғимиз лозим. Севимли нашримиз мутолааси айни шу мақсадга хизмат қилади. Бизни обуна бўлишга ундаш шарт эмас, ўзимиз мутолаага муштоқ бўлганимиз учун ҳам обуна бўламиз.

Ахир раис маҳаллада «бешлик»ка бош бўлса, ҳамма сўров ва топшириқларга жавобгар ҳисоблансаю, энг кам ойлик маошни олса, яна устига-устак, моддий ёрдам ҳам берилмаса, шу адолатданми?

Гулчеҳра
ЗОКИРОВА,
Ангрен
шаҳридаги
Ғофур Ғулом
номли
маҳалла
раиси:

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Зарур маълумотлар ҳар доим топилади»

— Ўн икки йилдан буён маҳалла раиси лавозимида фаолият юритаман. Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, ҳаракат қилган, изланган инсон, албатта, ижобий натижага эришар экан. Бироқ бугун кўп маҳаллаларни жиддий ўйга толдираётган бир муаммо бор. Бу — оилавий ажралишлар масаласи.

Мен шу каби муаммоларни ҳал қилиш борасида керакли маълумотлар бериб бориладиган «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zdisi» журналин мунтазам ўқиб бораман. Доим ундан қидирган маълумотни топганман. Хуқуқий, ижтимоий ва психологик йўналишларда жуда фойдали мақолалар бериб борилади. Ўзимизнинг нашрларга келгуси йил учун ҳам обуна бўлди.

БИЛАСИЗМИ?

Кимларга мажбурий тартибда таътил берилади?

Ходимнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи ҳасакланмайдиган таътил кўйидагиларга мажбурий тартибда берилади:

- 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга – ҳар йили 14 календарь кунгача;
- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга – ҳар йили 14 календарь кунгача;
- 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болани ҳақиқатда парваришлайётган боланинг ота-онасидан бирига (васийсига), бувисига, бобосига ёки бошқа қариндошига;
- 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ нафар болани ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани тарбиялайётган ота-онанинг бирига (ота-онанинг ўрнини босувчи шахсга) – ҳар йили 14 календарь кунгача;
- қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ходимларга.

ТАЛҚИН

«910 та муаммонинг 848 таси ҳал этилди»

«Обод маҳалла», «Обод кўча», «Обод хонадон». Бугун ушбу мезонлар асосида биз каби чекка ҳудудларда жойлашган маҳаллалар кўркамлашмоқда. Ободлик, аввало, кўнгилдан бошланади. Шу боис ишни яшаётган уйимиз, кўчаларимизни янада файзли қилишдан бошладик.

Мавжуд 11 кўчадаги ҳар бир хонадонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Хатловда 755 та хонадонда 910 та муаммо аниқланди. Бугунгача 848 таси ҳал этилди. Табиий газ тармоғини 11 км. қисми таъмирланди, 54 та газ қувири таянч устунлари бўёқланди, 6 та газ қувири ўралди. 7,4 км. ичимлик сув тармоғи тортилди. Электр энергияси таъминотини яхшилаш бўйича 177 дона бетон таянчлар ўрнатилди. 2 дона трансформатор пункти таъмирланди. Мус-

тақиллик кўчасига 1 дона 250 кВ.ли янги трансформатор олиб келинди.

Ички йўлларнинг 6,5 км. қисми шағаллаштирилди. Шундан 4,5 км. қисми афальтлаштириш учун тайёрланди. Худуддаги ижтимоий объектлар — мактаб, боғча ва тиббиёт муассасалари эътибордан четда қолмаяпти. 14-мактаб реконструкция қилиниб, қишлоқ шифокорлик пунктида капитал таъмирлаш ишлари якунланди. Шифокорлик пункти биносининг 5 та хонасида

иситиш батареялари алмаштирилиб, янги печ қўйилди. 8 та деразага алюмин ромлар ўрнатилди.

Маҳалла учун ажратилган бино-иншоотини ташқи фасад қисмида сувоқ ва бўёқ ишлари охирига етказилиб, ҳовлиси асфальтлашга тайёрланмоқда. Кўшимча истиш тизимини таъминловчи бино ва ҳожатхона қуриб битказилди. Идорага «Қуёш панели» ўрнатилди. Янги маҳалла гузари қуриш учун бинога асос яратилди. Бундан ташқари, маҳалладаги кам таъминланган оилалар хонадонларини фасад ва том қисмини таъмирлаш ишлари якунланмоқда.

Дастур асосида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида кўкчатчилик кооперацияси таш-



кил этилди. Фермерлар кенгаши томонидан 400 та хонадонда шу йўналишда ишлар олиб боришмоқда.

Мақсуджон МАҲКАМОВ,
Риштон туманидаги
«Пандигон» маҳалласи раиси.

МУРОЖААТ

«Маош кам, моддий ёрдамдан дарак йўқ...»



«Маҳалла раиси лавозимида ишлаб келаётганимга бир ярим йилдан ошди. Шу давр оралиғида жуда кўп маҳалла раислари меҳнат таътилига чиқишди. Тартибга кўра, улар моддий ёрдам олиши белгиланган бўлса-да, амалда бундай бўлмади.

Маълумки, «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Пре-

зидент фармонида кўра, «Маҳалла» фонди маблағлари ҳисобидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларига бир йилда бир марта тўланадиган лавозим маоши миқдоридagi моддий ёрдам харажатларини молиялаштириш билан

боғлиқ харажатлар тўлаб берилиши назарда тутилган. Мана шу фармон асосида «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимига мурожаат қилсам, жамғарма тугатилганини айтишди. Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимидагилар сметада моддий ёрдам берилсин, деган жойи йўқлигини таъкидлашди. Молия бўлими йиллик сметага қўйиб бермабди.

Айни вақтда кимга мурожаат қилишни билмай сарсон юрибман. Ахир раис маҳаллада «бешлик»ка бош бўлса, ҳамма сўров ва топшириқларга жавобгар ҳисоблансаю, энг кам ойлик маошни олса, яна устига-устак, моддий ёрдам ҳам берилмаса, шу адолатданми?

Иккинчи масала — Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги «Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарориди раисларни моддий рағбатлантириш кўзда тутилган. Аммо бу масалада ҳам моддий рағбатлантириш пуллари тўлаб берилмаяпти.

Дилмурод ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олтиариқ туманидаги Ибн Сино
номидаги маҳалла раиси.

Таҳририятдан: Мурожаат бўйича «Маҳалла» хайрия жамоат фонди матбуот котиби Ҳасан Саломовдан изоҳ сўрадик. Масъулнинг айтишича, фонднинг туман бўлимлари иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган. Шу сабабли баъзи туманларда маҳалла ходимларига йилига бир марта бериладиган моддий ёрдам пуллари бериш кечикиб қоляпти. Аммо ҳисоб-рақамида пули бор бўлимлар маҳалла раисларига моддий ёрдам пуллари ўз вақтида тўлаб келяпти.

БИЛАСИЗМИ?

Деҳқончилик учун ернинг энг кўп ўлчами оширилди

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига деҳқон хўжалигини юритиш учун ажратилган ер участкаларининг ўлчамини оширишга қаратилган ўзгартиришлар ва кўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонун (ЎРҚ–876-сон, 09.11.2023 й.) Президент томонидан имзоланди.

Ер кодекси ҳамда «Деҳқон хўжа-

лиги тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартириш ва кўшимчага кўра, деҳқон хўжалигини юритиш учун чорва озукиси экинларини етиштириш мақсадида Президент қарори билан белгиланган айрим ҳудудларда 0,06 гектардан 5 гектаргача бўлган ўлчамда ер участкалари берилди.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.



Ўмирбай ҚИПШАХБАЕВ,
Шуманай туманидаги «Маншақли» маҳалласи раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Назарий билимларимиз ошяпти»

— Маҳалламизда 3 810 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бири билан ишлаш, ўйлантириётган масалаларига ечим топиш учун тинмай меҳнат қиляпмиз. Лекин баъзан ҳаракатнинг ўзи камлик қилиши мумкин. Муваффақиятнинг пойдевори эса билим билан мустаҳкамланади.

Шу маънода «Mahalla» газетаси назарий билимларимизни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Мавзулар кўлами жуда кенг. Нимаики қидирсак, барчасини топамиз. Бир сўз билан айтганда, газета менга жуда ёқади. Севимли нашримга 2024 йил учун обуна бўлдим.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ҳажетдин АБДУЛЛАЕВ,
Бўзатов туманидаги Қусханатоу овул фуқаролар йиғини раиси:

— Овулдошимиз яқинда неварали бўлди, ўзи давлат ташкилотиди ишлайди. Чақалоқнинг онаси, яъни келини кўшимча даволанишга зарурат сезгани учун буви неварасига қараб турмоқчи. Айтингни, мазкур ҳолатда буви меҳнат таътилига чиқса бўладими?

Невара парвариши учун таътил бериладими?



Ленара ҲИКМАТОВА,
«Норма» эксперти, ҳуқуқшунос:

— Қариндошлар болаларни парвариш қилиш учун меҳнатга лаёқатсизлик варақасини расмийлаштириётганда боланинг ёши ва нима учун онанинг унга ғамхўрлик қила олмаслиги сабабини исботлаши зарур.

Юқоридаги вазиятда ходима-буви уч ёшгача бўлган болани парваришда банд бўлган она ёки унинг ўринини босувчи шахс касал бўлганда ёки бошқа фарзанди билан стационарда бўлганда ушбу давр учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси олишга, ўз хизмат мажбуриятларини бажаришдан озод бўлишга ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини олишга ҳақли. Бунда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ўн тўрт кунгача берилди. Унинг асосида боланинг бувисига иш жойидан нафақа тўланиши керак.

Агар эмизлик болани парваришда даврида онанинг бетоблиги тўғрисида боланинг ўзи касалланиб қолса, у ҳолда стационар шароитда уч ёшга тўлмаган болани парваришда учун қаровни таъминлайдиган шахсга (бувигача) даволашнинг барча даврига меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилиши керак.

Нафақа миқдори давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан, иш стажини ҳисобга олган ҳолда, иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизгача миқдорда тўланади.

ФИКР

«Еттилик», айниқса, ижтимоий ходим маҳалладан тайинланса...»

Ўтган йили маҳаллада «Обод маҳалла» дастури асосида бунёдкорлик ишлари бажарилди. Хусусан, йиғинда мавжуд 69 та кўчанинг умумий узунлиги 39,7 километрни ташкил этса, шундан 10 таси тўлиқ асфальт қилинди. Умумий узунлик — 9,2 километрни ташкил этди. Қолган 59 та кўчанинг 30,5 километр қисми шағаллаштирилди. Бу орқали барча кўчада аҳолига қулайлик яратилди.

Худди шундай, ичимлик сув ва электр токи бўйича барча масалалар тўлиқ ҳал бўлди. Хусусан, барча электр узатиш линиялари янгиланди, мавжуд трансформаторлар таъмирланиб, янгилари ўрнатилди. 19 та кўчага янги сув тармоқлари тортилиб, 20 та кўчадаги қувурлар реконструкция қилинди. Қолаверса, 120 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти бунёд этилиб, хусусий боғчалар сони 9 тага етказилди.

Президент ташаббуси билан ҳар бир маҳаллага ажратилган 500 миллион сўм маблағ эвазига 6 та лойиҳани амалга ошириш, жумладан, иккита болалар майдончаси қуриш, 10 та видеокузатув камералари ўрнатиш, иккита кўчага газ қувури тортиш, маҳалла гузари олдида аҳоли дам олишга шароит яратиш, кўчаларга тезликни пасайтирувчи қурилмаларни ўрнатиш кўзда тутилган. Бу орқали ечимини кутиб турган масалалар қолмади ҳисоб.

Ҳаракат қилган одам қийналмайди. Олис ҳудудда бўлса-да, яхши яшашга, турмуш тарзимизни ўзгарти-



ришга ҳаракат қиляпмиз. Қарийб 10 йилдан буён маҳалла раисиман. Худудимдаги ҳар бир оиланинг аъзоси ва муаммоларини яхши биламан.

Тажрибамдан келиб чиқиб бир фикрни айтмоқчиман. Ҳозирда маҳалла «еттилик»ни шакллантириш жараёни кетяпти. Истардикки, бунда ҳар икки янги ходим, айниқса, ижтимоий ходим маҳалланинг ўзидан танланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Боиси «бешлик» вакилларининг айримлари бошқа ҳудуддан келиб ишлашади, одамларни билгунча анча қийналганди, вақт кетганди. Ижтимоий ходим аҳолининг ёрдамга муҳтож, эҳтиёжманд қатлами билан ишлар экан, у кимнинг қандайлигини билишга вақт сарфлаши ортиқчалик қилади.

Яна бир масала — жиноятчилик билан боғлиқ. Шаҳар ҳудуди бўлгани учун бошқа туманлардан, чекка овул-маҳаллалардан бу ерга кўпчилик кундалик ташвишлари билан келади. Уларнинг ҳар бирини маҳалла ходимлари кузатиб юришга имкон йўқ. Айрим ҳолларда кафе-ресторанларда жанжал чиқади. Бориб ўргансангиз, бошқа ҳудуд аҳолиси, бироқ жиноят бизнинг номимизга ёзилади. Истардикки, шу тартиб қайта кўриб чиқилса ва жиноятни содир этган киши қайси маҳалладан бўлса, кўрсаткич ўша маҳалла ҳисобига ёзилса...

Замира ҚУТЛИМУРАТОВА,
Нукус шаҳридаги «Қутлуғ макон» маҳалласи раиси.

ОБОДЛИК

500 миллион сўм бино учун сарфланмайди

Овулимиз ҳудуддаги намунали фуқаролар йиғинларидан бири. Бу ерда 1 436 нафар аҳоли истиқомат қилиб, асосан, чорвачилик ва деҳқончилик ортидан кун кечиради. Бугунгача айни йўналишларда 45 нафар фуқарога имтиёзли кредит олиб берилди, 75 нафари ўзини ўзи банд қилди, 7 нафарига субсидия асосида тикув машинаси топширилди.

2018 йилда овулда «Обод қишлоқ» дастури амалга оширилган. Шу боис инфратузилма, ижтимоий объектлар билан боғлиқ масалаларда камчиликлар йўқ. Хусусан, спорт мажмуаси, мини-футбол стадиони, спорт заллари йигит-қизлар ихтиёрида. Ана шундай шароитлар тўғрисида овулнинг волейболчи йигитлари «Беш ташаббус» лойиҳасининг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бундан, албатта, ҳудуд аҳли мамнун.

Давлатимиз раҳбарининг «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида Маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида ҳудуддаги 452 та фуқаролар йиғинининг ҳар бирига 500 миллион сўмдан маблағ йўналтирилди. Биз овул аҳли билан маслаҳатлашиб, 6



та лойиҳа ишлаб чиқдик. Хусусан, бу маблағни 1,5 километр ичимлик сув қувурлари тортиш, 390 метр ички йўлни шағаллаш, овулнинг чеккароғида жойлашган 30 та хонадонга томорқа учун насос орқали сув чиқариш, кўчаларга видеокузатув камералари, тунги ёритиш чироклари ўрнатиш, ҳудуддан ўтган магистраль йўлни тезликни пасайтирувчи қурилмалар билан таъминлашга сарфлаш ниятидаман.

Очиғи, фуқаролар йиғини ҳозирда алоҳида бинога муҳтож. Айни пайтда овул шифокорлик пунктнинг

иккита хонасида фаолият юритяпмиз. Овулдошлар Президент томонидан ажратилган маблағни бино қуришга сарфлаш ташаббусини билдиришганди. Бироқ давлатимиз раҳбари қайд этганидек, 500 миллион сўм маблағ фақат аҳолини қийнаётган муаммоларга йўналтирилиши керак. Шуни ҳисобга олиб, маҳалла биносини кейинчалик бунёд этишга қарор қилдик.

Буркитбай ҚАЛЖАНОВ,
Мўйноқ туманидаги Тик ўзек овул фуқаролар йиғини раиси.

ОБОДЛИК

«Кимдан кўмак кутишни билмай қолардик...»



Хар бир ҳудуддан ҳар чоракда битта маҳалла танланиб, «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонлари асосида кўркам қиёфага келтириляпти. Бунда, айниқса, чекка ва олис қишлоқлар танлаб олинаётгани ҳудудларнинг неча йиллик муаммоларини ҳал этиш, аҳолига қулайлик яратиш, инфраструктурани яхшилаш имконини бермоқда.

Жорий йил октябрь ойидан 3 109 нафар истиқомат қилувчи «Наврўз» маҳалласида юқоридаги ишларга киришилди. Бу жараёнда йиғиндаги бешта — Исомобод, Камалак, Чароғон, Янги турмуш, Истиқлол кўчаларининг барчаси шағалланади. Туман марказига элтувчи 11 километр йўл асфальт қилинади, ҳозирда унинг 2 километр қисмида ишлар якунланди. Шу билан бир-



га, маҳаллада 180 ўринли янги мактаб бунёд этилди, 2 та янги трансформатор ўрнатилиб, 5 километр масофада ичимлик сув қувурлари тортиляпти.

Ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Жумладан, маҳалла фаоллари эски бинода фаолият юритамиз. Ходимлар учун зарур шароитларга эга янги маҳалла биносига эҳтиёж бор. Бу ҳақда туман ҳокимлигига таклиф би-

лан чиққанмиз, маҳаллий дастурга киритилишини кутяпмиз. Қолаверса, йиғиндаги қишлоқ врачлик пунктини янгилаш мақсадида «Ташаббусли бюджет» лойиҳасига киритдик. 2 000 дан ортиқ овоз олган бўлсак-да, ғолиб бўла олмадик. Бироқ ҳали умидимизни узганимиз йўқ.

Бандлик масаласи, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик ортидан ҳал этиляпти. Маҳаллада 150 га яқин иссиқхона бор, уларда кўпроқ помидор ва болгар қалампири етиштирилади. Шу билан бирга, аксарият аҳоли вакиллари ўз томорқасида банд, ер билан тиллашиб, рўзгорини бутляпти. Шунга кўра, ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг катта қисми айнан деҳқончилик билан боғлиқ. Ҳудудда тунука ишлаб чиқариш цехи, 2 000 та товукдан иборат паррандачилик фермаси мавжудки, уларда ҳам аҳоли бандлиги таъминланган. Яқин орада тикувчилик цехи ишга тушади.

Тизимдаги ўзгаришлар ҳақида фикр билдирсам, маҳаллаларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича кенгашлар ташкил этилишини маъқуллай-

ман. Боиси ҳудуддаги қайсидир масала бўйича айрим вақтларда кимга мурожаат қилишни, кимдан кўмак кутишни билмай қолардик. Эндиликда кенгашлар маҳалла «еттилиги» қўйган масалалар бўйича ҳар бир туманнинг хусусияти, маҳаллаларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, муаммоларга ечим топади, молиявий манбаларини аниқлайди.

Бундан ташқари, туман бандлик идораларининг бир қатор вазифалари маҳаллага ўтказилаётгани ортиқча югур-югурларнинг олдини олади. Хусусан, бундан буён Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишсиз аҳолини ободонлаштириш ва мавсумий ишларга жалб қилиш, уларга ҳақ тўлаш ваколати маҳалла раиси ихтиёрида бўлади. Бу билан меҳнат бўлимлари тақдим этадиган вақант ўринларга маҳалла раиси ўз ҳудудидаги ишсизларни ишга жойлаштириш имконига эга бўлади. Бу жиҳат ишсизликни камайтиришда кўл келади, албатта.

Эркин ПРИМҚУЛОВ,
Кизирик туманидаги
«Наврўз» маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Абдурашул ХОЛМЎМИНОВ,
Шўрчи туманидаги «Эгарчи» маҳалласи раиси:

— Маҳалладошимиз пенсияга чиқиши муносабати билан ишлаётган ташкилотига меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ариза топширган. Бу вазиятда иш берувчи ходимга қўшимча тўловлар тўлайдими? Ёки компенсация тўловлари шартнома фақат иш берувчи ташаббуси билан бекор қилинганда бериларми?

Пенсияга чиқаётган ходимга қандай ҳуқуқ берилади?



Ленара ҲИКМАТОВА,
«Норма» эксперти,
ҳуқуқшунос:

— Меҳнат кодексига кўра, юқоридаги вазиятда меҳнат шартномасини бекор қилиш ходимнинг ташаббусинга кўра амалга ошироқда ва қонунчиликда бунинг учун

ходимга ҳеч қандай қўшимча тўловлар назарда тутилмаган. Бу ҳолатда меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштириш меҳнат шартномаси бекор қилинган кунни ходим билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш ва фойдаланилмаган таътиллар (улар мавжуд бўлган тақдирда) учун пулли компенсация тўлаш билан амалга оширилади.

Аризада «пенсияга чиқиш муносабати билан» ишдан бўшаш сабабини кўрсатиб, ходим қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

- иш берувчини ишдан бўшаш тўғрисида ўн тўрт календарь кун олдин огоҳлантирмастик, иш берувчи эса ишдан бўшаётган ходим билан меҳнат шартномасини ходим талаб қилган муддатда бекор қилиши шарт;
- иш берувчидан ташкилотнинг ички ҳужжатлари, жамоа ёки тармоқ шартномаси билан пенсияга чиқиш муносабати билан ишдан бўшаётганлар учун белгиланган имтиёзлар ва афзалликларни олиши.

Янги Меҳнат кодексига аввалги — 1995 йилда қайта таҳрирдан чиққан кодекснинг 100-моддаси 7-бандида белгиланган ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда, иш берувчининг пенсия ёшига етиши муносабати билан ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқи чиқариб ташланган. Яъни пенсияга ёшига етганда шу сабаб билан ходимни бўшатиш мумкин эмас.

ҲОЛАТ

«Бизда «бешлик» фаолияти тарқоқ эмас...»

Маҳалламиз Шеробод тумани марказида жойлашган, шунга кўра, аҳолининг асосий қисми тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, сервис соҳаларида банд. Йиғинда 4 120 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳозирда ҳудудда «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонларини жорий этиш бўйича ишлар давом этмоқда. Шу кунгача ички кўчаларнинг 7 километр қисми асфальт қилинди, битта кўчада симёғочлар йўқ эди, унинг 500 метр қисмида янги темир-бетон устунлар ўрнатилди. Ичимлик сув масаласида «Тўпаланг» сув омборидан қувур тортиб келинади.



Маҳаллада яна бир тармоқ — анорчилик яхши ривожланган. Ҳар бир хонадонда камида 50 тупдан 200 тупгача анор дарахти бор. Хонадонлар ҳар йили биргина анорнинг ортидан оила

бюджетига камида 30-40 миллион сўмдан қўшимча даромад киритади. Бизда, асосан, анорнинг «Гулоби», «Қозоқи», «Тошқўрғон», «Гайзара», «Қора дона» каби ўнга яқин ширин ва нордон,

узоқ муддат сақланадиган ва серҳосил навлари парваришланади. Ҳар икки йилда бир марта ўтказилаётган Анор фестивали тажрибамизни оммалаштиришда кўл келмоқда.

Йиғин фаолиятига оид фикрларимни баён этсам, газета орқали «бешлик» ходимлари турли жойдан ойлик маош олгани ва турли ташкилотларга бўйсунгани учун маҳалла ишида камчиликлар бўлаётгани ҳақида ўқиб қоляпман. Очиғи, бу ўринда барча гап раисларнинг ўзида қоляпти, деб ўйлайман. Ўзимдан мисол: йиғинда шундай иш тартиби йўлга қўйилганки, ҳоким ёрдамчиси ёки ёшлар етакчисига юқори турувчи ташкилотидан қандайдир топшириқ берилса, биринчи навбатда мен билан маслаҳатлашади. Ҳамжихатликда бир қарорга келиниб, кейин ишга киришилади. Маслаҳатсиз ёки мени хабаримсиз йиғинга оид бирорта масала кўрилмади.

Маҳалла «еттилиги» йўлга қўйилади, дейиляпти. Бу жараёнда ходимларни назорат қилиш, ойлик иш ҳақи тақдимномасини киритиш ваколати раисларга бериляпти. Албатта, бу яхши қарор. Маҳалла раиси ҳудудга масъул шахс, йиғиндаги хато-камчиликка айнан у жавобгар экан, ваколати ҳам шунга яраша бўлиши керак. Ўйлайманки, бу тизим орқали кўпгина масалаларга ечим топамиз. Муаммоларнинг маҳалладан ташқарига чиқмаслигига эришамиз.

Дилмурод РАЖАБОВ,
Шеробод туманидаги
«Ҳўжги» маҳалласи раиси.

БУНЁДКОРЛИК

«Еттилик» иш бошлашини кутяпмиз»



Маҳалламиз бешта — Найман, Талақулук, Шофаёз, Регистонак ва Саройбод қишлоқларидан иборат. Бу ерда 3 338 нафар аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ ҳудуди бўлгани учун кўпчилик чорвачилик ва деҳқончилик ортидан кун кечиради.

Йиғинимиз «оғир ҳудуд»лар тоифасига киргани боис инфраструктуранинг яхшилаш, одамларга қулайлик яратиш борасида қатор ташаббуслар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилнинг ўзида 10 км. ичимлик сув тармоғи тортилди, кучланиш ортиб кетгани ҳисобига 3 та янги трансформатор ўрнатилди, 30 дона эски симёғочлар янги темир-бетон устунларга алмаштирилди. Шу билан бирга, маҳалланинг 2 км. дан зиёд ички йўллари асфальт қилиниб, 5 км.дан ортик масофада шағал ётқизилди.

Бандлик, ижтимоий ҳимоя — доимий эътиборимизда. Биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 200 нафардан зиёд

фуқаро ўзини ўзи банд қилди. 100 нафардан зиёди «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури асосида имтиёзли кредит олиб берилди. 10 нафарга яқин фуқарога субсидия асосида иссиқхона қуриб берилди, ёшларга турли асбоб-ускуналар, пайвандлаш буюмлари топширилди. 6 нафар талабанинг шартнома тўлови тўлаб берилди.

Этиборлиси, фуқаролар йиғини «Ислом тараққиёт банки» ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида «Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш» лойиҳасига киритилди. Лойиҳа доирасида «Маҳаллани ривожлантириш режаси» ишлаб чиқилиб, 2024-



2025 йилларда маҳаллада 16 миллиард сўмлик ишлар бажарилади. Хусусан, болалар қамровини ҳисобга олиб, 120 ўринли янги мактабгача таълим ташкилоти қурилади, мавжуд 840 ўринли мактаб замонавий ҳолатга келтирилади. Қолаверса, маҳалланинг 8 км. ички йўллари асфальт қилинади, 3 км. масофада ичимлик сув қувури тортилади, 3 та трансформатор ўрнатилиб, 5 км. масофада электр линияси янгиланади.

Йиғин фаолиятига тўхталсам, маҳаллада «бешлик» фаолиятидан одамлар миннатдор. Буни аҳолининг маҳаллага илгаригидек моддий ёрдам сўраб эмас, кўпроқ тадбиркорлик фаолия-

тини йўлга қўйиш учун мурожаат қилаётгани, хотин-қизлар ва ёшлар яратилаётган шароитдан унумли фойдаланишга интилаётганидан билиш мумкин. Зеро, уларнинг аксарияти икки-уч йил муқаддам оғир шароитда яшаётган эди.

Эндиликда маҳалла «еттилиги» тизими орқали қўшимча равишда солиқ ва ижтимоий ҳимоя хизматлари маҳалланинг ўзидан кўрсатилиши одамларнинг оғирини енгил қилади. Моддий ёрдам, субсидия ва кредит ажратиш каби 70 дан ортик масала маҳалланинг ўзидан ҳал қилини-

ши, ижтимоий дафтарлар учун бериладиган маблағлар ҳар бир маҳаллага тақсимланиши ва маблағни ишлатиш маҳалланинг ўзидан, «еттилик» ихтиёрида бўлиши фуқаролар йиғини ваколатини оширибгина қолмай, ҳудуд аҳли муаммоларини қисқа фурсатда, жойида ҳал этиш имконини беради. Шунга кўра, бу тизимнинг йўлга қўйилишини нафақат биз, балки маҳалла одамлари интиқ кутмоқда.

Таштемир РАСУЛОВ,
Вобкент туманидаги «Найман»
маҳалласи раиси.



Комил
РАҲМОНОВ,
Юнусобод
туманидаги
«Қадрдон»
маҳалласи
раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Mahalla» — қадрдоним бўлиб кетган»

— Мени бир одадим бор, ўзимга керак бўлган нарсаларни доим сақлаб қўйишга ҳаракат қиламан. Айниқса, у фаолиятимда асқатадиган маълумот бўлса, ҳамisha столим устида туради. «Mahalla» газетаси айнан шундай шахсий буюмларим қаторидан ўрин олган.

Бир неча йиллардан буён газетани мунтазам равишда ўқиб келаман. Унда чоп этилган керакли маълумотларни иш дафтаримга ёпиштириб бораман. Зарурат туғилганда, қидириб ўтирмай, очиб фойдаланавераман. Ҳатто бир кунда бир неча мартаба варақлаган кунларим бўлади.

Менга шундай дастёр бўлгани учун «Mahalla» қадрдонимга айланиб қолган. Севимли нашримизга келгуси йил учун аллақачон обуна бўлганмиз.

ТОМОРҚА

Бандлик таъминланган жойда жиноятлар бўлмайди

«Дарवेशи» маҳалласида аҳоли «томорқаларидан самарали фойдаланиш бўйича намунали ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, ўтган йили 1,7 гектар майдонда 41 та оилага ихчам иссиқхона қуриб берилди. Жорий йил якунига қадар 5,5 гектар майдонда яна 144 та худди шундай иссиқхона қурилади. Шунингдек, ўтган йили 60 нафар фуқарога деҳқон хўжалиги юритиш учун 6 гектар ер ажратилган бўлса, бу йил бериладиган ер майдони 12 гектарни ташкил этади.

Дарवेशиликларнинг асосий даромади — деҳқончиликдан. Шу боис одамларнинг ерга меҳри бошқача. Аммо ҳудудда сув танқислиги бу борада ердан барқарор ҳосил етиштиришда катта ташвиш туғдираётгани бор гап. Бу масалани ҳал қилиш мақсадида қатор чораларни кўряпмиз. Жумладан, бултур маҳаллага бир дона артезиан кудуғи қазилгани томорқачилар мушуқлини осон қилганди. Аҳоли мурожаатларидан сўнг бу йил яна 3 та шундай артезиан кудуғи ўрнатиб берилмоқда. Хуллас, ишлайман, меҳнат қиламан, деган

одамга барча шарт-шароит бор.

Мисол учун, шу ерда яшовчи намунали томорқачилардан бири Садриддин Сайфиевни олсак, миришкорлиги, чоғроққина томорқасидан ҳар йили барқарор ҳосил етиштириб келаётгани боис, у «Меҳнатқаш деҳқон» кўкрак нишонига сазовор бўлди, рўзғори бут. Яна бир маҳалладошимиз Бахшулло Раҳмонов оиласи ҳар ишда намуна. Хонадон эгалари ҳовлисидаги 10 сотихли томорқа ерида иссиқхона барпо қилиб, йилига уч марта ҳосил олиш тажрибасини пухта ўзлаштирган. Чунончи, февраль ойидан ерга картошка, помидор экилса, ёз фаслига келиб бодринг, ловия, қарам етиштириши, кеч кузда «тўксонбости» усулида саримсоқпиез, шолғом лавлаги ёки кўкат экиши мумкин. Миришкор оиланинг жорий йилда иссиқхонадан олаётган даромади 100 миллион сўмдан кам эмас.

«Драйвер» — деҳқончилик бўлгани боис бугун аҳолига берилган кредитлар, субсидияларнинг катта қисми айнан шу соҳага йўналтирилади. Шукрки, бундан ҳеч ким кам бўлмаяпти. Мен сизга айтсам,



ҳамма иш билан банд бўлса, бекорчи киши бўлмаса, ўз-ўзидан ҳудудда осойишталик ҳукм сураб экан, маҳалла фаровонлиги таъминланади. Бир нарсани мақтаниб қўяй, ўтган бир йилда биз яшаётган ҳудудда бирорта жиноят содир этилмади. Бу ҳам ҳамма ишнинг жой-жойидалигининг белгиси-да.

Йиғин фаолиятига тўхталсам, Президент Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, айрим ўринларда маҳалладаги «бешлик» ҳар бири ўз вазирлигига ҳисобдорлиги сабаб ягона жамоа сифатида қутилганидек самара бермади. Шунга кўра, эндиликда маҳалла «еттилиги»нинг вазифалари аниқ белгилаб берилди. Бунда раиснинг ҳам, ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчисининг ҳам, умуман, маҳалладаги ҳар бир масъул жавоб берадиган йўналишлар аниқ. Гап белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишида қолмоқда. Уйлайманки, янги тизимда қутилган самарага эришамиз.

Ринат САМАДОВ,
Жондор туманидаги
«Дарवेशи» маҳалласи раиси.

НИГОҲ

«Аҳолига зарур хизматнинг барчаси шу йиғинда жойлашган»

Ангрен шаҳрининг ташкил этилиши шу маҳалладан бошланган. Худуд жиҳатидан ҳам, аҳоли сони бўйича ҳам шаҳардаги энг катта маҳалла. «Драйвери» — хизмат кўрсатиш. Аҳолига нима зарур бўлса — озиқ-овқат дўкони, тамаддихона, сартарошхона, кутубхона, кафе... барча хизмат кўрсатиш объектлари мавжуд. Аҳолининг асосий қисми шу тармоқларда банд. Бир қисми маҳаллага яқин ҳудудда жойлашган «Ангрен» деҳқон бозорига тирикчилик қилади.

«Аёллар дафтари»га киритилган 168 нафар аёлга моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. 8 нафарига субсидия асосида компьютер жамланмаси, тикув машинаси ҳамда газ плитаси берилди. Дафтарда рўйхатда турган Муножот Утановага шартнома асосида монамарказ очиб берилди. Натижада Муножот 10 нафар хотин-қизни ишли қилиб, мавсумий бош кийимлар тикиб, даромад олмоқда. Қўшимчасига аёлларга тикувчилик хунарини ўргатмоқда.

Йиғин ҳудудига 4,8 километр пиёдалар йўлаги, 1,5 километр автомобиль йўли асфальтланди. Ёшлар кўчаси 2024 йил дастурига киритилди. Ишчилар кўчасига тунги ёриткич чироқлари ўрнатилди. 4



та трансформатор қўйилиб, 7 та бетон устун янгиланди. 73 та кўп қаватли уйнинг барчаси куз-қиш мавсумига тайёр ҳолатга келтирилди.

«Яшил макон» лойиҳасининг «Кузги дарахт экиш мавсуми» доирасида 300 тупдан зиёд меваги ва манзарали кўчатлар экилди. 60 сотиҳ қаровсиз ер ободон-

лаштирилиб, кўчат экилди ва икки нафар фуқарога шартнома асосида берилди.

Энг муҳими, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, фуқароларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг самарали усуллари жорий этилди. Одамларнинг дардини эшитиш, оғирини енгил қилиш юртдошларимизнинг адолатга, давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Ҳар ҳафтанинг белгиланган кунинда маҳалла раиси бошчилигида «бешлик» кўп қаватли уйлар ва ҳар бир даҳада сайёр қабул ўтказишни йўлга қўйган. Сайёр қабулларда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилиши билан бирга, фуқаролардан ички йўллар, газлаштириш, кадастр ва бошқа масалалар бўйича муножатлар тингланиб, тегишли ташкилот ва идоралар томонидан ҳал этилмоқда. Таъзия бўлган хонадонлар ҳолидан хабар олиниб, дафн ва мотам маросимлари билан боғлиқ ортқиқча тадбирларни (етти, пайшанбалик, йиғирма, қирқ ва ҳк.) ўтказмаслик юзасидан тарғибот ишлари олиб бориляпти.

Фурқат МАДАЛИЕВ,
Ангрен шаҳридаги «Мустақиллик»
маҳалласи раиси.

ТАКЛИФ

«Эски боғча ўрнига янгисини қуриш керак»

Бу ҳудудлар бир замонлар қўриқ ерлар бўлган. Одамнинг қўли гул деганларидек, бугун катта ўзгаришлар бўлмоқда. Туркменистон Республикаси билан чегарадош маҳалла аҳолиси, асосан, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишади. Ҳар бир хонадонда чорва моллари боқилади. Етти хазинанинг бири — товуқ ҳам бор.

Худудда шўрланган ерлар кўп бўлгани сабаб, томорқаларда буғдой ва шоли, ғалладан кейин карам, сабзи, турп каби озиқ-овқат маҳсулотлари экишади. Бу йил 116 нафар ишсиз фуқаронинг 34 нафарига 30 сотиҳдан 30 йилга ер берилди. Улар бозорбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирмоқда. Аксарият аҳоли кредитга мотокультиватор, электр мотоцикл, мини тракторлар олиб, ўзини ўзи банд қилмоқда. Қассобхона, сартарошхона очиб, даромад топаётганлар бор.

Асосий муаммо — оқова сув. Агар сув муаммоси бўлмаса, қолган масалалар ҳал этилаверади. Икки йил ичида 2 километр йўл асфальтланди, 3 километр йўлга тош тўкилди. Яна 7-8 километр тупроқ йўлларга тош тўкилиб, асфальтланиш керак. Шунингдек, 3 километр қувур тортилиб, ҳар бир хонадонга ичимлик сув киритилди. Иккита трансформатор ўрнатилиб, янги хўжаликлардаги электр муаммоси ҳал этилди. 15

дан ортқиқ симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди.

Кувонарлиси, маҳаллада вилоятда ягона маданият маркази бор. 2021 йил қайта таъмирланган марказда тикувчилик, компьютер, гимнастика, рассомчилик, дутор, ашула тўғарақлари ва кутубхона бор. Уларда юзга яқин ўғил-қизлар ўз қизиқишларидан келиб чиқиб шуғулланишади. Тўғарақларга қўшни «Ширшоли» маҳалласи ёшлари ҳам қатнайдди. Маданият марказида «Заковат» интеллектуал ўйини, «Беш ташаббус олимпиадаси» каби туманининг кўплаб тадбирлари ўтказилади.

Маҳалла гузари янгидан таъмирланди. Бу ерда маҳалла ходимлари учун барча шарт-шароитлар бор. Ҳатто, гузарда тўй ва турли маросимлар ўтказиш мумкин. Яқинда нурунийлар учун ака-ука Эшчановлар ҳамда Фуломжон Ёқубов концерт беришди...

Таклиф: йиғиндаги 60 ўринли эски давлат боғчаси ўрнида янги 150 ўринли боғча қурилиши зарур. 4 та оилавий боғча бор, лекин қамров етарли эмас...

Умирбек ТОИРОВ,
Янгиариқ туманидаги
«Қўриқтом» маҳалласи раиси.



ТАЖРИБА

«Дарахт ва гул экиш анъанаси идорадан бошланган»



Тарихда маҳалла ҳудудига Абдурахмон қози деган киши ўтганлар. Авлодлари ҳозир ҳам шу маҳаллада яшашади. Шу киши номига боғлаб, «Қозигузар» деб аталган. Йиғинда 505 та хонадон бўлиб, 4 194 нафар аҳолининг барчаси ҳовлиларда истиқомат қилади.

Маҳалла «драйвери» — тадбиркорлик. Ишлаб чиқариш корхонаси маҳалла ҳудудига бўлмаса-да, ўзи шу ерда яшайдиган тадбиркорлар кўп. Савдо дўконларидан ташқари, хонадонларида хунарамандчилик ва ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланаётган тадбиркорлар бор. Хотин-қизлар ўз уйларида аёллар кийимларини тикиб, бозорга чиқариб сотишади. Баъзи аёллар ўзини ўзи банд қилиб, яна 4-5 нафар хотин-қизни ишли қилган.

Йиғинда саховатпеша тадбиркорлар кўп. Яқинда икки нафар фуқарога саломатликларини тиклаш учун 10 миллион сўмдан 20 миллион сўм ёрдам кўрсатилди. Тадбиркорлар «Аёллар дафтари»да турган 120 нафар аёлга давлат томонидан бериладиган

моддий ёрдамдан ташқари, 4 миллион сўмдан берди.

«Ёшлар дафтари»га рўйхатга олинган 15 нафар ёшнинг 14 нафарига турли ёрдамлар кўрсатилди. Хусусан, икки нафарининг сафарбарлик ҳарбий хизмат тўлови, бир нафарига субсидия, бир нафарига даволаниши учун 7 миллион сўм, қолган ёшларнинг контракт пуллари тўлаб берилди.

Маҳалланинг барча — 22 та кўчаси асфальтланди. Қозигузар кўчасига янги электр станцияси ўрнатилиб, хонадонлардаги электр энергия таъминоти яхшиланимқда.

Йиғинда дарахт ва гул экиш анъанага айланган. Бу анъана маҳалла идорасидан бошланган. Бу ерда турфа гулларни учратасиз. «Яшил макон» лойиҳаси доирасида 150 туп меваги ва манзарали ҳамда гул кўчатлари экилмоқда.

Мухтабар УМАРХЎЖАЕВА,
Учтепа туманидаги
«Қозигузар» маҳалласи раиси.

НИГОҲ



«Идора ва компьютерга эҳтиёжимиз бор»

Шаҳар марказида жойлашган маҳаллада 1 793 нафар аҳоли, 545 та хонадон мавжуд. «Маҳалла бешлиги» ҳар бир оиланинг қувончига шерик бўлиш билан бирга, уларнинг дарду ташвишига кўмакдош бўлиб келяпти.

Йиғин ҳудудида «Ёшлар маркази», олий таълим муассасалари жойлашган. Аҳоли давлат ташкилотлари билан бирга, тадбиркорлик соҳасида фаолият юритади. Гўри Амир мақбараси яқин бўлгани учун сайёҳлар оқими катта. Шу боис меҳмонхона ва тамадди-хоналар хизмати ривожланмоқда.

Узоқ йиллар Орзу Маҳмудов кўчасининг 250 метр қисми ўта ярқоқсиз ҳолатга келиб, аҳоли кузқиш мавсумининг қор ва ёмғирли кунларида ҳаракатланишга қийналарди. Ушбу кўча Университет хиёбонининг туташ қисмида жойлашган бўлиб, ундан кўплаб хорижлик сайёҳлар ўтиб қайтади. Бу масалада Самарқанд шаҳар кенгаши депутати Шохрух Али-

бековга мурожаат қилиб, тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди. Натижада асфальтлаш ишлари бажарилиб, сув қувурлари янгиланиб, атрофдаги уйлар таъмирланди.

Мутахассислар йўлда қуриш-таъмирлаш ишларини бошлашдан олдин, биратўла кўча ёқасидаги 9 та кўп қаватли тураржой биноларига тортилган, узунлиги 250 метр бўлган эскирган ичимлик сув қувурларини янгисига алмаштирди. Натижада ичимлик сув таъминоти анча яхшиланди.

Бундай хайрли ишларни давом эттирган ҳолда маҳалла фаолларининг мурожаатлари асосида йиғиндаги 100 та хонадон истикомат қилаётган 51-, 53-, 55-, 59-умумий ҳовли уйларга сув ва газ тармоқлари тортилди. Электр энергия таъминоти яхшиланиб, кир ювиш машинаси ва кондиционерлар узилишиш ишлайдиган бўлди. 16 та кўп қаватли уйнинг 8 таси марказий иссиқлик манбаига уланиб, қувурлар янгиланди.

Ободлик ишлари «Яшил ма-

кон» лойиҳаси билан давом этмоқда. Шу кунгача 225 туп олма, шафтоли ва манзарали дарахт кўчатлари очиқ майдонларга, хусусан, кўчалар ва аҳоли хонадонларига экилди.

Маҳалла ходимлари иш қуроли, яъни компьютер борасида бироз қийналишяпти. Иккита компьютернинг бири ишламайди. Шунингдек, етарли шароитларга эга янги маҳалла идораси зарур. Ҳозирги учта хонада шароитлар ҳаминқадар. 2006 йил ҳудуддаги 6 сотихли ер майдони аукцион орқали сотиб олинган, бироқ шу вақтга қадар бу ерда бирор қурилиш ишлари бажарилмаган. Агар ушбу ер майдони маҳалла идораси қурилиши учун берилса, бу ерда аҳоли учун кўшимча хизмат кўрсатиш соҳаларини йўлга қўйиш мумкин...

Ақром МИРЗАЁРОВ,
Самарқанд шаҳридаги
Алишер Навоий номи
маҳалла раиси.

НУҚТАИ НАЗАР

«Назорат учун камералар зарур бўляпти»

Маҳалла Зангиота зиёратгоҳига яқин ҳудудда жойлашган. 518 та хонадон бор. Аҳолининг 20-30 фоизи «Бек-барака» савдо мажмуасида савдо-сотик ва хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғулланади. Ўз навбатида, бозор яқин бўлгач, ишлаб чиқариш ҳам ривожланмоқда.



Хонадонларда 18 та турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш цехлари бор. Уларда ўнлаб хотин-қизлар банд бўлиб, рўзғорига кўшимча даромад келтиришяпти.

Маҳалланинг яна бир «драйвери» – деҳқончилик, боғдорчилик. Йиғирма гектарга яқин узумзор ва турли мевали боғлар мавжуд. Йиғинда 5 гектар инновацион, 3 гектар оддий иссиқхона бўлиб, уларда помидор, бод-ринг экилиб, халқимиз дастурхонига етказилмоқда. Бундан ташқари, кўплаб аҳоли хонадонларида қулупнай етиштиради.

Шу вақтга қадар аҳоли артезиан сувларидан фойдаланиб келарди. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида 12,5 километр сув қувурлари тортилди. 4 та кўча асфальтланди.

«Яшил макон» лойиҳаси қизғин давом этмоқда. Олма, олча, ёнғоқ каби мевали ва турли манзарали дарахт кўчатлари экилмоқда. Кўчат экишда манфаатдорликни ошириш мақсадида маҳалла ҳудудидан ўтган темир йўл бўйидан аҳоли ва тадбиркорларга шартнома асосида ер тоифаси ўзгартирилмасдан бўлиб берилмоқда. Бири 3,5 сотихга 40 туп олча, гилос, олма кўчатларини, бири сув бўйига 200 туп каштан, мажнунтол ва павловния дарахтларини экиди.

Таклиф: маҳаллада бошқа ҳудудлардан келиб ишлайдиганлар кўп. Қолаверса, маҳаллага ким келиб кетаётгани, қачон ва қаерда нима содир бўлаётганини билиб туриш учун назорат камераларини кўпроқ ўрнатиш зарур. Шунда кўплаб ҳуқуқбузарликларнинг олди олинган бўларди.

Кўчқор САЛИМБОЕВ,
Зангиота туманидаги «Гулбоғ» маҳалласи раиси.

КЎЗГУ

«Оғизбирчилик хайрли ишларга асос бўляпти»

Маҳалла тарихий бўлиб, қўшни Туркменистон Республикаси билан чегарадош. 5 574 нафар аҳоли истикомат қилаётган йиғин туман марказидан 22 километр олисда. Ҳудудда, асосан, пахта ва ғалла етиштирилади.

Аҳоли чорвачилик ва деҳқончиликдан даромад топади. Деярли ҳар бир хонадонда чорва моллари боқилиб, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари тайёрланади. Бу рўзғор учун кўшимча даромад бўляпти.

Маҳалла аҳолиси оғизбирчиликда кўплаб хайрли ишларни қилмоқда. Жумладан, «Олтин тепа» қабристонидан ободонлаштириш билан бирга, таъмирлаш ишларини бажарди. Кириш дарвозалари янгиланиб, соябонли ўтириш жойлари ташкил этил-

ди. Ҳашар йўли билан Ўзбекёп, Обод маскан, Дарбанд кўчаларининг 1 900 метри шағаллаштирилди. Давлат кўмагида Обод маскан кўчасига кўшимча 700 метр йўлга шағал тўкилди.

Ҳудудда оқова сув муаммо, бироқ ичимлик сув таъминоти яхшиланмоқда. Хусусан, Ўзбекёп кўчасидаги қирқта хонадонга ичимлик сув тармоғи тортилди. Яна 20 та хонадонни айтмаганда, маҳалла тўлиқ ичимлик сув билан таъминланди.

Аслида маҳаллада бунёдкорлик ишлари 2019 йил бошланган. Ушунда йиғинда «Обод қишлоқ» дастури асосида катта ишлар бажарилган. Маданият уйи билан маҳалла идораси учун икки қаватли замонавий бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирда маданият

уйида ёшлар учун бахшичилик, рақс, рубоб, кўшиқчилик, тикувчилик, китобхонлик каби ўнлаб тўғарақлар фаолият юритмоқда. Ҳар бир тўғарақда 10 нафардан ортик ўқувчилар бор. Шунингдек, китобхонлар учун кутубхона ташкил этилган.

Маҳалла идорасида нафақат «маҳалла бешлиги», бўлажак «маҳалла еттиги» учун зарур қулайликлар мавжуд. Бу ерда тикувчилик цехи фаолияти йўлга қўйилиб, кийим-кечак, рўмол ва турли буюмлар тайёрланарди. Бироқ тадбиркор фаолияти узоққа чўзилмади. Энди яхши тадбиркор топиб, бу ишни давом эттириш режасидамиз.

Тадбиркорлик соҳаси аҳолининг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб ривожланмоқда. Асосан, маиший хизмат кўрсатиш шо-



хобчалари, савдо дўконлари ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonалари фаолият юритмоқда. Яна бир савдо комплекси қурилмоқда. Бу ерда озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга, бир қанча кўшимча хиз-

мат кўрсатиш йўналишлари иш бошлайди.

Давлатназар МАТҚУЛИЕВ,
Кўшқўпир туманидаги
«Ошоқ қалъа»
маҳалласи раиси.

ТАЖРИБА



«Ҳокимликка таклиф берганмиз, аммо натижа бўлмапти»

Маҳалламизда 6 304 нафар аҳоли яшайди. Асосий «драйвер»имиз — узумчилик ва чорвачилик. Худудда янги иш ўринлари яратиш, бандликни таъминлаш учун ихтисослашувимиздан келиб чиқиб, лойиҳалар тайёрлаёмиз. Бу жараёнда лидер тадбиркор ёрдамида кооперациялар ташкил этилди.

Акрамжон Тангриев узумчилик бўйича тажрибали уста деҳқон. Шартнома асосида 1 гектар ерни ижарага олган. Бу майдондаги узумзордан йилига 40-50 миллион сўм даромад олади. Мана шу тадбиркор атрофида узумчиликка ихтисослашган кооперация ташкил этилди. Ҳозирда А.Тангриев оиласи узумчилик билан банд. Ўзим ҳам 6,5 гектар ерни ижарага олганман. Бу ерда оиламизнинг барча аъзолари узумчилик ва чорвачилик билан шуғулланади.

Жорий йил август ойидаги хатловда 120 нафар ишсиз аниқланганди. Уларнинг бандлигини таъминлаш учун худудимизда жойлашган тадбиркорлар имкониятидан фойдаланамиз. Жумладан, базальт ишлаб чиқарадиган хусусий заводга уларнинг 50 нафарини ишга жойладик. Бу завод жами



1 000 нафар иш ўрнига эга. Шунингдек, 48 нафар ишсизларга кредит ажратилди. Маҳаллада 55 нафар тадбиркор фаолият олиб бораётган бўлса, уларда 200 та иш ўрни яратилган.

Ўз навбатида маҳаллада 2022 йилда Анамуна қишлоғининг 5 км. қисми шағалланди. Осмонсой қишлоғида 1 миллиард 900 миллион сўмга сув сақлаш иншооти қурилди.

Аммо худудда қилинадиган ишлар кам эмас. Жорий йил якунигача яна 12 км. кўчаларни шағаллаш, 2 та янги трансформатор ўрнатиш, 4 тасини таъмирлашга эҳтиёж бор. Бу борадаги таклифларни туман ҳокимлигига берганмиз. Аммо натижа бўлмапти. Масыулар 2024 йилгача таклифларимиз ижобий ечим топишини таъкидлашмоқда.

Бундан ташқари Осмонсой — Баландосмон йўналишида 5 км. йўللарни шағаллаш, 200 та симёғочларни бетон устунларга алмаштириш, 380 та суюлтирилган газ баллонга буюртма берганмиз.

Яна бир ечимини кутаётган масала — маҳалла биноси ҳозир жуда таъмирталаб. Истиш тизими ва ташқи фасадини таъмирлаш бўйича таклиф берганмиз. Юқоридаги таклифларимиз ижобий ечим топса, ишларимиз янада самарали бўлади.

Дилмурод НУРМУҲАММЕДОВ,
Фориш туманидаги «Осмонсой» маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Она учун алимент миқдори қанча?



Улуғбек АТАКИШИЕВ,
Гулистон туманидаги «Бирлашган» маҳалласи раиси:

— Биламизки, қонунчиликда болаларга тўланадиган алимент миқдори, тартибидан ташқари она таъминоти учун тўланадиган алимент ҳам назарда тутилган. Шу асосда она учун энг кам алимент миқдори қанча бўлиши керак?

Акмал ОЧИЛОВ,
«Мадад» ННТ бош мутахассиси:

— Оила кодексининг 118-моддасига кўра, никоҳдан ажралгандан кейин собиқ эр(хотин)нинг таъминот олиш ҳуқуқи белгиланган. Яъни, собиқ хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида собиқ турмуш ўртоғидан ўзининг таъминоти учун алимент олиши мумкин. Мазкур кодекснинг 119-моддасида эса, она ўзининг таъминоти учун оладиган алиментнинг энг кам миқдори қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 11,75 фоизидан кам бўлмашлиги лозимлиги белгиланган.

Ўртадаги ногиронлиги бўлган болани у ўн саккиз ёшга тўлгу-

нига қадар парваришлашни ёки болаликдан I гуруҳ ногиронлиги бўлган болани парваришлашни амалга оширган, ёрдамга муҳтож бўлган собиқ хотин (эр) алимент олиши мумкин. Никоҳдан ажралган қадар ёки никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб бир йил давомида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр), никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб беш йил ичида пенсия ёшига етган ёрдамга муҳтож хотин (эр), агар эр-хотин ҳам узок вақт никоҳда туришган бўлса, суд тартибида алимент талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Никоҳдан ажралгандан кейин собиқ эр ёки хотинга тўланадиган алимент миқдори ва уни тўлаш тартиби ўртадаги келишув билан белгиланиши мумкин.

ТАЖРИБА

«Янги бўстон» янгиланиб боряпти»

2022 йилда ўтказилган хатловга кўра, маҳалламизда 721 та хонадон, 1 083 та оила, 4 163 нафар аҳоли рўйхатга олинган. 196 нафар ишсиз фуқаро доимий иш жойларига, 12 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жойланди. Қолганларига ижара асосида ер ажратилиб, бандлиги таъминланди. 290 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди.



Ўтказилган сўровнома-ларга кўра, маҳалладаги 74 нафар ёшлар, хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқиш истаги борлиги аниқланди. Ҳисобот даврида 72 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га, 38 нафар фуқаро «Ёшлар дафтари»га киритилди. Бандликка кўмаклашиш маркази тавсиясига муқофиқ 62 нафар фуқаро турли касбларга қайта тайёрлов курсларида ўқитилиши таъминланди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кредитга талабдор 71 та хонадонга ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида кўмак кўрсатилди. 60 нафар жисмоний шахсга 1 миллиард 474 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Маблағ «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида иссиқхона қуриш, мототранспорт, миникультиватор воситалари, қуёничилик, балиқчилик, гўзаллик салони, пойабзал таъмирлаш, тикув машиналари, тикувчилик асбоб-ускуналари олиш ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари учун тақсимланган. 2022 йилда 67 та янги корхона ташкил этилиб, 6 та корхонанинг фаолияти қайта тикланди.

Маҳаллада хонадон эгаларининг ўз маблағи ҳисобидан 120 млн. сўмга 15 та намунали хонадонлар ташкил этилди. Худудда кооперация асосида аҳоли хонадонлари даромадини ошириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1 та етакчи

кооператор ташкил қилиниб, жами 30 та хонадон шартнома асосида деҳқончилик ва иссиқхоналарда ишлаши таъминланди. Таъминотчи сифатида «Арносой момиқ қуёнлари» МЧЖ ташкил қилиниб, 15 та хонадонга 50 бош қуён етказиб берилди. Натижада, ушбу фаолиятнинг сердаромад эканлигини тушунаётган аҳолининг қуёнчиликка иштиёқи ошиб бормоқда.

2023 йилда 15 та кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил қилинди. Маҳалланинг «ўсиш нуқтаси»дан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш лойиҳалари амалга оширилди. Инфратузилма билан боғлиқ ўзгаришлардан аҳоли мамнун. Ички йўлларнинг 6 км. қисми асфальтланди, 3 км. масофада тош йўллар ётқизилди. Боғиравон, Сайилгоҳ кўчаларидаги 155 дона эски симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди. Ичимлик сув кирмаган Лалмикор, Янги турмуш, Нурзамон кўчаларига 3 км. масофада янги тармоқ тортилди. 2 км. оқова сув учун бетон ариқ(лоток)лар қурилди. Суюлтирилган газ, электр энергияси, ичимлик сув муаммоси ҳал этилди. 15 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бўлган фуқароларга уй-жойини таъмирлаш учун моддий ёрдам кўрсатилди.

Гулсум АБДУЛЛАЕВА,
Арносой туманидаги «Янги бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



ЯНГИЛИК

«Иссиқхонадан қишин-ёзин экинлар аримайди»



Маҳалла «драйвери» – узумчилик, иссиқхона ва тадбиркорлик. Аксарият хонадон эгалари бўрдоқчилик билан шуғулланади. Айниқса, иссиқхона ҳадисини яхши ўрганган. Қишин-ёзин мавсумга мос экинлар экиб, мўл даромад олишади. Шу сабаб имтиёзли кредитлар асосида иссиқхона қурдираётганлар кўп. Бир тадбиркор нон цехи ташкил этиб, 4 та иш ўрни яратди.

Йиғин катта автомобиль йўл бўйида жойлашгани учун бу ерда савдо ва хизмат кўрсатиш яхши ривожланмоқда. Озиқ-овқат дўконлари, тамаддиҳоналар, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устхоналари ва кўплаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритмоқда.

Жорий йил 153 нафар ишсиз фуқаро турли соҳалар бўйича ўзини ўзи банд қилди. «Темир дафтар»да турган икки фуқарога мотокультиватор, 3 та оилага

куёш панеллари ўрнатиб берилди. «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турган 28 нафар ёшдан 20 нафарига турли ёрдамлар кўрсатилди. Хусусан, контракт пуллари тўланиб, касб-хунарга ўқитилиб, икки нафар ёшга даволаниш харажатлари қоплаб берилди. Икки нафар аёлга тикув машинаси ажратилиш арафасида.

«Ташаббусли бюджет» лойиҳаси асосида Ибн Сино кўчаси асфальтланди. Ҳашар йўли билан 900 метр йўл шағаллаштирилди.

Электр энергия таъминотини яхшилаш учун 2 та трансформатор ўрнатилиб, 24 та бетон устунлар алмаштирилди.

Кувонарлиси, маҳалла ёшлари «Беш ташаббус олимпиада-си»да стритбол мусобақасида 1-ўринни воркаут мусобақасида 3-ўринни эгаллади. Натижада йиғинда спорт майдонлари қуриладиган бўлди. Ҳозир волейбол, баскетбол ва мини футбол майдонларидан иборат спорт мажмуаси қурилиши якунланмоқда.

Келгусида маҳалла идораси қошида болалар боғчаси ва ички кўчаларни асфальтлаш режаси бор.

Нормамат ДЎСМАМАТОВ,
Самарқанд туманидаги «Юқори туркман» маҳалласи раиси.

ТАЖРИБА

«Ҳалол меҳнат билан рўзғорини бутлаётган кўп»



Деҳқончиликдан кўпроқ картошка, сабзи ва маккажўхори экишади. Кенг тармоқли деҳқон хўжаликлари орасида боғдорчилик, терак кўчати ва ипак куртлари учун тут етиштирувчилар кўп. Ипак курти боқиб, даромад олувчилар бор.

Бу йил ғалла майдонларидан бўшаган ерлардан 12 та хўжаликка 30 сотихдан 30 йилга ер ажратиб берилди. Улар такрорий экин сифатида картошка, сабзи экишди. Ҳозир ҳосилни йиғиб олиб, тўқсонбосди экинларга тайёргарлик кўрмоқда.

Маҳалла 2022 йил «Обод қишлоқ» дастурига киритилиб, 46 километр ички кўчалар асфальтланиб, 150 та кўча чироклари, 86 та бетон устунлар ўрнатилди. 13 километр ичимлик сув қувурлари тортилди. Битта кўчага тош тўкилди.

Тадбиркорлик йўналиши бўйича Мададкор кўчасидаги келинларга тикув машиналари берилиб, ўзини ўзи банд қилишга эришилди. Яқин кунларда шу кўчада тикувчилик цехи очиш режасидамиз. Зарқайнар кўчасида тикувчилик цехи ташкил этилган бўлиб, у ерда 5 нафар аёл ишли бўлиб, даромад топяпти.

Маҳалла ёшлари спортда пешқадам. Айниқса, дзюдо ва миллий кураш бўйича чемпионлар кўп. Худуддаги стол тенниси, волейбол, баскетбол, футбол майдонлари ҳар доим ёшлар билан гавжум.

Ўтган йили янги маҳалла идораси қуриб берилди. Нурунийлар шахмат-шашка билан машғул. «Яшил макон» лойиҳаси доирасида минг туп терак қаламчаси ва икки минг туп турли манзарали дарахт кўчатлари экилди. Хуллас, маҳаллада иш қизғин.

Гулзода ХОЛОВА,
Юқори Чирчиқ туманидаги «Фаровон» маҳалласи раиси.

МАРАФОН

«Биз бир бўлсак – ягона халқмиз...»



Сергели туманидаги 300-мактабда «Биз бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!» ғояси асосида «Маънавият марафони» лойиҳаси доирасида бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари Мархабо Зиявидинова ва Карима Ғоипова ташаббускорлигида ташкил этилган тадбирда дастлаб мавзуга оид слайдлар намойиш этилди. Шунингдек, синф сатлари ўтказилди.

«Маънавият марафони»нинг иккинчи қисмида «Китоб – менинг дўстим» шиори остида кўргазмали тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда китоблар кўргазмаси ташкил этилиб, ёш авлоднинг китобга бўлган қизиқишини яна бир бор оширди.

Қизиқарли ва ўзига хос тарзда ўтган тадбир ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.



Фаровонликлар жуда меҳнаткаш. Асосан, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Ҳар бир хонадонда 2-3 тадан соғин сигир бор. Сут-қатиқ, қаймоқ, сариеғ ўзларидан. Ортганини сотишади. Олувчи ҳам ўзларидан. Маҳалладаги барча сутларни бир жойга жамлаб, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарга топшириб келади.

Манзура
ВАЛИЕВА,
Шайхонтохур
туманидаги
«Янгиобод»
маҳалласи
раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Мутахассис одам газетадан узоқлашмайди»

— Бугун ҳамма соҳа малакали ва тажрибали мутахассисларни талаб қилмоқда. Айниқса, халқ билан ҳамнафас яшаш, уларнинг дардини ҳис қилиш учун ўз устимизда тинимсиз ишлашимиз, янгиликлардан доимо хабардор бўлиб боришимиз зарур. Шундай вақтда бизга ишончли ва кенг қамровли манбалардан бири «Mahalla»нинг кўмаги катта бўлмоқда.

Газетани варақлар эканман, тизимда олиб борилаётган ислохотлар, маҳалла раисларининг ютуқларидан хабардор бўлман. Энг муҳими, жуда кўп саволларимга жавоб топман. Ўзим учун керакли ва фойдали нашр бўлгани учун ҳам «Mahalla»га обуна бўлдим.

НИГОҲ

«Худудни яшил маконга айлантирамиз»

Маҳалла шаҳарда жойлашгани боис аҳолининг 70 фоизи давлат ташкилотларида фаолият юритади. Бир қисми тадбиркорлик ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида банд. Аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб савдо дўконлари, тикувчилик ва қандолатчилик цехлари фаолият юритмоқда.



Худудда 43 та кўп қаватли турар жой бинолари бўлиб, уларнинг барчаси куз-қиш мавсумига тайёр ҳолатга келтирилди. Кўчаларнинг 90 фоизи асфальтланган, трансформаторлар таъмирланди. Йиғинда 1 тадан мактаб, боғча, оилавий поликлиника ва тери таносил касалликлари диспансери бор.

«Яшил макон» лойиҳасини аҳоли катта қизиқиш билан қарши олмоқда. Худуд иқлимга мос мевали ва манзарали кўчатлар танланиб, кўп қаватли уйлар олдида мевали, кўча бўйларига 5 турдаги манзарали дарахт кўчатлари экилмоқда. Келгусида 200 туп дарахт кўчатлари экиб, худудни яшил маконга айлантириш режасидамиз.

Сўнгги йилларда маҳаллага катта имкониятлар берилмоқда. Маҳалла бошқарувида солиқчи ва ижтимоий хизмат ходими кўшилиб, «маҳалла еттичилиги»нинг ташкил этилиши кўплаб муаммоларни, хусусан, эҳтиёжманд аҳолини рўйхатга киритиш, моддий ёрдам, субсидия ва кредит ажратиш каби 70 дан ортиқ масалалар, туман ва вилоят идораларига чиқмасдан, маҳалланинг ўзида жамоавий ҳал қилиш имкониятини беради. «Маҳалла еттичилиги» ишини мувофиқлаштиришда маҳалла раисларининг ваколатлари кенгайтирилиши барча раисларни қувонтирди.

Энг муҳими, маҳалланинг ўз бюджети бўлади. Эндиликда моддий ёрдам, болалар майдончаси каби кичик масалаларни вақт ўтказиб, ҳокимликка ариза кўтариб юрмасдан, маҳалланинг ўзида Кенгаш қарори билан ҳал қилинади. Натижада аҳоли ўртасида маҳалланинг обрўси янада ошади.

Комил РАҲМОНОВ,
Юнусобод туманидаги «Қадрдон» маҳалласи раиси.

КЎЗГУ

«50 та маҳалланинг ЭНГ фаоли бўламиз»

Маҳалла аҳолисининг 40 фоизи давлат ташкилотларида меҳнат қилади. Улар орасида шифокор ва ички ишлар ходимлари кўп.

Йиғин «драйвери» – чорвачилик ва деҳқончилик. Деярли ҳар бир хонадонда буқалар боқилиб, гўшт етиштирилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан, асосан, сабзи, пиёз ва картошка экилади.

Тадбиркорлик йўналишида мебелчилик, асаларичилик ва тикувчилик яхши ривожланмоқда. 25 ёшли С. Сатаев 4 йил аввал тадбиркорликни 6 та асалари оиласи билан бошлаб, бугун улар сонини 50 дан оширди. Оилавий асаларичилик билан шуғулланиб, яхшигина даромад топяпти.

Асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат. Шу мақсадда ишсиз ёшларни пайвандлаш, кранчи, қандолатчилик, компьютер курсларида ўқитиб, ишга жойлаштиряпмиз. Йигирмадан ортиқ хотин-қизлар субсидия ва кредит асосида тикув машиналари харид қилиб, хонадонда текстиль корхоналардан буюртмалар олиб, даромад топишяпти.

Яқин кунларда маҳалла худудида қурилаётган икки қаватли ўқув маркази биноси фойдаланишга топширилади. Бу ерда ёшлар тикувчилик, компьютер хизмати ва қандолатчилик йўналишлари бўйича ўқитилади. Моддий жиҳатдан қийналган оилалар фарзандлари бепул таълим олишади.

Бу йил мактабни битирган 32 нафар ёшнинг 17 нафари олий таълим



муассасаларига ўқишга кирди. Қувонарлиси, уларнинг сафида ўғлим Корея Республикасига грантга қабул қилинди. «Маҳалла бешлиги»нинг фаол саъй-ҳаракати билан йиғинда 2022-2023 йилларда бирорта жиноятчилик қайд этилмаган.

Маҳалла 2015 йил тўлиқ ичимлик сув билан таъминланган. Бу йил 3 километр ички кўчалар асфальтланди. 110 та темир устунлар ўрнатилиб, замонавий электр кабеллар тортилди. «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида 956 миллион сўм ютиб олиб, 12-мактабнинг иккита спорт зали таъмирланди.

Хайрли ишлар доимий эътиборда. Етим болалари бор иккита хонадонни таъмирлаб, ҳаммом ва янги мебель жиҳозлари билан таъминлаб беряпмиз. Қийналиб қолган бир нафар оила фарзандини ҳомийлар

кўмагида уйлантирдик.

Давлат-хусусий шерикчилик асосида қурилган маҳалла идорасида зарур шарт-шароитлар яратилган. Идорада интернет мавжуд. Бу йил 3 киловатли кўёш панели ўрнатилди. 2021 йил тумандаги 50 та маҳалла орасидан «Энг фаол маҳалла» деб топилган эдик. Бу йил ҳам ушбу номга эришмоқчимиз.

«Яшил макон» лойиҳаси қизғин давом этмоқда. Худуддаги иккита қаровсиз қолган майдон, бири 3 сотих, яна бири 4 сотих ер маҳалла баланширилиб, суви ва эгаси аниқ қилиниб, 2000 туп терак ва мевали дарахт кўчатлари экилди. Яна 2200 туп кўчат экиш режамизда бор.

Талғат ЖЕТИБАЕВ,
Юқори Чирчиқ туманидаги
«Дархан» маҳалласи раиси.

МУАММО

«Оқова сув, электр ва идора муаммоси қийнаяпти»



Маҳалла Туркменистон Республикаси билан чегарадош худудда жойлашган. Асосан, пахта ва ғалла етиштирилади. Аҳолининг даромади кўпроқ чорвачилик ва деҳқончиликдан.

Ҳар бир хонадонда катта-кичик чорва моллари бор. Гўшт, сут-қатиқ ўзларидан чиқади. Рўзғоридан ортганини Урганч шаҳридаги сутни қайта ишлаш заводига топширади. Худуднинг ўзида иккита чорвачилик фермаси бор. Бирида 80 бош, яна бирида 30 бош қорамол боқилади.

Оқова сув муаммоси фермерларни банкротга учратмоқда. Сув йўқлигидан 14 та фермердан 8 таси ўз ерларини топширишга мажбур бўлди. Бу ерларни олган кластерларнинг харажати ошиб, фойдадан кўра

зарарга ишламоқда.

Аҳоли томорқаларини суғориш бир мунча қулайроқ. Бироқ бир ҳафта сув келса, 15 кун йўқ бўлади. Шу сабаб аҳоли ўз томорқаларига кам сув талаб этадиган буғдой, сабзи, картошка, маккажўхори экинларини экишмоқда. Шу кунга қадар аҳолига 30 сотихдан 11,3 гектар ер майдони аукцион орқали ажратиб берилди.

Таклиф: оқова сув муаммосини ҳал этиш учун худудда баҳор фаслигача учта артезиан кудуғини қазиш зарур. Шунда аҳоли томорқа экинлари артезиан кудуқлардан суғорилиб, мавжуд оқова сув фермер дала майдонларига етиб борилиши таъминланади.

2019 йил «Обод қишлоқ» дастури асосида маҳалланинг барча кўчаларига шебен ётқизилди. Ичимлик

сув билан таъминланди. Очiq электр симлари кабелларга алмаштирилди. 1,2 км. пиёдалар йўлакчаси қурилиб, шу кўчага тунги ёриткич чироқлари ўрнатилди. Ўтган йили 36 та бетон устунлар ёриткич чироқлари билан қўйилди. Бу йил 1 км. йўл асфальтланиб, 2100 метрга шағал тўқилди.

Муаммо: аҳоли куз-қиш мавсумидан эсон-омон чиқиб олиши учун маҳалладаги 40 та симёғоч алмаштирилиб, 3 километр электр сим янгиланиши, 1 та трансформатор ўрнатилиб, 2 таси таъмирланиши зарур. Чунки аҳолида табиий газ йўқлиги сабаб, қиш мавсумида электр энергияга бўлган талаб ортиб кетади.

Яна бир муаммо, давлат-хусусий шерикчилик асосида қурилиши бошланган маҳалла идораси яқунланмай қолди. Шу масалада амалий ёрдам бўлса яхши бўларди. Чунки «маҳалла бешлиги» аукцион орқали сотиб олинган касб-ҳунар коллежи биносида ўтирибди. Бу ерда тадбиркор хусусий мактаб қуришни режалаштирмоқда. Агар қурилиш ишлари бошланса, маҳалла ходимлари жойсиз қолиши мумкин.

Аркабой СОБИРОВ,
Янгиариқ туманидаги
«Тузлоқ» маҳалласи раиси.

Маҳалладошимиз шаҳар марказидан уй сотиб олмоқчи. Нархи ва жойлашуви жуда қулай, лекин тасдиқланмаган маълумотга кўра, бу уй бузилишга тушган. Мана шу маълумотни аниқлаш тартиби қандай бўлади?

ТАЖРИБА

«Ташаббусли бюджет» да фаоллик ортяти»



Маҳалламизда 5 030 нафар аҳоли яшайди. Уларга қулай ижтимоий шароит яратиш мақсадида 2022 йилда ҳудудда «Обод маҳалла» дастури амалга оширилди.

Бу орқали кўплаб энгил конструкцияли савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиб, янги иш ўринлари яратилди. Хонадонлар электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сув билан таъминланди. Кўчаларимизнинг 3 км. қисми асфальтланди, 3,5 км. масофадаги йўллар бетонланди,

1,5 километри шағаллаштирилди. Бундай ишлар туфайли маҳаллага нур, маданият қиряпти, одамлар ўзгаришларни сезяпти. Маҳаллада жорий йил 600 нафар хотин-қиз касаначилик асосида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга жалб қилинди. Бундан ташқари, ҳудуд ин-

фратузилмасидаги муаммоларни ечиш учун халқимиз фаол қатнашмоқда. Бунда «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси аҳамияти ортиб бормоқда. 2023 йилда лойиҳанинг навбатдаги босқичида қатнашиб, 20-умумтаълим мактабида болалар ўйингоҳи қуриш таклифимиз ғолиб чиқди. Натижада 1 миллиард сўм маблағ ютиб олдик. Кейинги босқичда ҳудудимизда жойлашган Болалар спорт мактабига 150 милли-



он сўмлик қуёш панели ўрнатиш ҳамда «Менинг йўлим» лойиҳасида Янги дала кўчасининг 2 км. масофасини асфальтлаш таклифи ғолиб бўлди.

Маҳалла ходимлари учун янги, замонавий бино қуриб берилгани жорий йилдаги энг эсда қолади, биз учун унутилмас воқеалик бўлди. Барча шароитларга эга маҳалла идораси 971 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилди. Шу кунгача бировнинг биносида ижарада ишлардик.

Маҳалламиз туман марказида жойлашгани учун 70 фоиз аҳоли доимий иш билан банд. Қолганлар мавсумий ишлар билан шуғулланади. Сўнгги хатловда 73 нафар фуқаро ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Уларнинг

бандлигини таъминлаш учун 25 нафар аёлга субсидия орқали тикув машинаси, 16 нафарига нон печи тарқатилди. 21 нафар аёл касб-хунарга ўқитилди. Ўқишни битиргач, тикув машинаси берилди. Асосий қисмини ҳудуддаги «Барака чеварлари» тикув корхонасига ишга жойладик.

Келгуси йилда Баркамол авлод кўчасининг 1 км. қисмини асфальтлаш режамиз бор. Маҳалладошлар билан келишиб, «Ташаббусли бюджет»нинг 2024 йил 1-босқичида шу таклиф билан қатнашамиз.

Адҳам ШОДМОНОВ,
Арнасой туманидаги
Ғофур Ғулом номидаги
маҳалла раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Талабалик даври пенсия тайинлашда ҳисобланадими?

Одилжон УСМОНОВ,
Оқолтин туманидаги «Обод» маҳалласи раиси:

— Маҳалладаги пенсия ёшига етган фуқаролар пенсияга ариза топширганда уларнинг меҳнат стажига ҳарбий хизматда бўлган ва олий ўқув юртида ўқиган даври қўшиладими?

Маҳмуд РАЗЗОҚОВ,
Пенсия жамғармаси бўлим бошлиғи
ўринбосари:

— «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддаси «б» ва «е» бандларига асосан, пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиб ҳисобланадиган ҳолатлар келтирилган.

Унга кўра, қуйидагилар пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиб ҳисобланади:

Ҳарбий хизмат (шу жумладан, сафарбарлик чақириғи резервидаги ҳарбий хизмат) ва партизанлар отрядлари ва қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларидаги ва ички ишлар органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизмат;

олий таълим ташкилотларида (шу жумладан, уларда ўқиш ҳарбий хизматга тенглаштирилган ҳарбий таълим ташкилотларида), аспирантурада (стажёрлар-тадқиқотчилар-изланувчилар институтларида), докторантурада (катта илмий ходимлар — изланувчилар институтларида) ва клиник ординатурада таянч докторантурада ва докторантурада (олий таълимдан кейинги таълим институтида) кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқиш.

Ушбу даврлар фуқароларда минимал талаб этилган камида 7 йил умумий иш стажига мавжуд бўлгандагина инобатга олинади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, армияда ва институтда таълим олинган йиллар иш стажига ҳисобланади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Уй бузилишга тушганини қандай аниқлаш мумкин?

Феруза РАҲМАТОВА,
Асака туманидаги «Камолот» маҳалласи раиси:

— Маҳалладошимиз шаҳар марказидан уй сотиб олмоқчи. Нархи ва жойлашуви жуда қулай, лекин тасдиқланмаган маълумотга кўра, бу уй бузилишга тушган. Мана шу маълумотни аниқлаш тартиби қандай бўлади? Фуқаро расмий тарзда бу ҳақда маълумот олиши мумкинми?



Нодирбек ИКРОМОВ,
«Мадад» ННТ бош мутахассиси:

— Бу саволга Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарориди батафсил жавоб берилган. Жумладан, қарор билан кўчмас мулк бузилишга тушган ёки тушмаганлиги тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хиз-

матлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 7-иловага мувофиқ тасдиқланган.

Унга кўра, ариза берувчи бино ва иншоот ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (ЯИДХП) давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади. Маълумотнома олиш учун аризалар ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин. Бунда аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари тушганда навбатдаги иш куни аризаларнинг ваколатли органга тушган ва қабул қилинган кун ҳисобланади.

Ваколатли орган сўровнома тушган ва тўлов амалга оширилган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида сўровномада кўрсатилган объектнинг кадастр рақами орқали Кадастр агентлигининг ахборот тизими билан интеграция қилинган Қурилиш вазириликнинг «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимига кириб, реал вақт режимида кўчмас мулк объектнинг жойлашган жойини аниқлайди.

Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи



Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тасдиқланган шаҳар-созлик ҳужжатлари бўйича объект бузилишга тушган ёки тушмаганлигини ўрганади. QR-код қўйилган маълумотномани расмийлаштиради ва Давлат хизматлари марказларига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёхуд ариза берувчига (электрон шаклда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали юборади. Давлат хизматлари марказлари маълумотнома келиб тушгандан сўнг реал вақт режимида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва уни бу ҳақида электрон хабардор қилади. Давлат хизматлари марказлари ходими ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, унинг сўровига кўра, маълумотномани электрон шаклда ёки қоғоз шаклида тақдим этади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоиз йиғими ундирилади. Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда йиғим суммаси (5 фоиз)нинг 90 фоизи миқдориди ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик хизмат кўрсатишни рад этиш учун асос бўлади.

МУАММО

«Идора қулаб тушадиган ҳолатда...»

Маҳалла 300 йиллик тарихга эга. Илгари бу ерларда иккита катта масжид бўлган, шу сабаб қўшмачит деб номланган. Аҳолининг асосий даромади деҳқончиликдан. Узум ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Тадбиркорлик ва хунармандчилик — маҳалла «драйвер»лари.

Тадбиркорлик йўналишида, асосан, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлар, дераза ва эшик-ромлар ясайдиган цехлар ривожланмоқда. Ҳоким ёрдамчиси О.Жўраев билан ҳамкорликда 52 нафар аҳолига имтиёзли кредит ажратиб, тадбиркор бўлишига кўмаклашилди. 3 та оилавий корхона, 5 та якка тартибдаги тадбиркор ташкил этилди. 189 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Йил бошидан «Ёшлар дафтари»га 47 нафар ёш рўйхатга олиниб, уларнинг икки нафарига тўлов контракт пули, «қизил» тоифада турган икки нафар но-

гирон ёшга даволанишлари учун 1 миллион 320 минг сўм моддий ёрдам, 5 нафарига замонавий касблар бўйича ўқиши учун тўлов пуллари қоплаб берилди. Шунингдек, 21 нафар ишсиз ёш доимий ишга жойлаштирилди. 2 нафари касбга ўқитилиб, тикув машинаси олиши учун аризалар юборилди. «Қизил» тоифа рўйхатида турувчи 11 нафар ёш 4-сектор раҳбари Ф.Низомовга бириктирилиб, муаммолари ҳал этилмоқда. Хусусан, Дилшод Жумаевга даволаниши учун 13 турдаги дори-дармонлар берилди. 7 нафар ногирон ёш доимий эйтиборда.

Хотин-қизлар фаоли Х.Ҳасанова маҳалладаги етти та низоли оиланинг бештасини яраштирди. 3 нафар ишсиз хотин-қиз касбларга ўқитилиб, доимий ишга жойлаштирилди. 89 нафари норасмий ишлар орқали банд қилинди. Ёшлар етакчиси Д.Негматова 37-мактаб ҳамкорлигида бесабаб дарс қолдира-



ётган ёшлар билан индивидуал ишламоқда. Натижада Ҳасан Раҳмонов тўлиқ дарсга қайтарилиб, назоратга олинди. Маҳалла ёшлари «Беш ташаббус олим-



пиадаси»да фаол қатнашмоқда. Волейбол мусобақаси, «Заковат» интеллектуал ўйини, «Ёш китобхон» танловида фахрли ўринларни эгалламоқда. Миграциядаги

ёшлар ҳолидан хабар олиниб, уларнинг оила аъзолари билан доимий алоқада бўлиб турибмиз.

«Маҳалла бешлиги» ўзи яшаётган маҳалладан тайинланса, натижа яхши бўлади. Чунки қайси хонадонда қандай муаммо борлигини шу маҳаллада яшаётганчалик ҳеч ким яхши билмайди. Шу боис «маҳалла бешлиги» ходимларини «Қўшмачит»да яшайдиган фуқаролардан тайинляпмиз.

Шу кунга қадар маҳаллага 2 та трансформатор қўйилди. 11 та кўчадан 6 таси таъмирталаб, бир километр йўл асфальтланиши керак эди, бироқ охирига етмай тўхтаб қолди. Маҳалла идораси эски, қулаб тушадиган ҳолатда.

«Яшил макон» лойиҳаси доирасида маҳалла атрофидаги бўш майдонларга 250 туп кўчат экилди.

Абдуҳаким ИСОМОВ,
Самарқанд туманидаги
«Қўшмачит» маҳалласи раиси.

НУҚТАИ НАЗАР

«Маҳсулот кўп бўлса, экспорт имкони ошади»



Маҳалла туман марказига яқин ҳудудда жойлашган. Бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, асосан, пахта ва ғалла етиштирилади. Аҳоли томорқаларида фасол, мош, нўхат, ловия каби дуккакли экинлар экилади. 42 та хонадондаги иссиқхоналарда парваришланаётган помидор, бодринг, булғор калампирни томорқа эгаларига даромад келтирмоқда.

Аждодларимиз ерни боқсанг, ер элни боқадди, деб бежиз айтишмаган. Ҳақиқий деҳқонлар ўзи билан бирга, бутун маҳалласини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминламоқда. Ана шундай ер тилини тушунадиган 56 нафар ишсиз фуқарога 30 йилга 30 сотихдан ер берилди. Уларнинг ярмидан кўпи ёшлар. Уларга фақат бир талаб қўйилди: ҳамма бир хил маҳсулот экиши керак. Чунки бир жойда қанча кўп маҳсулот бўлса, уни экспорт қилиш имконияти шунча яхши бўлади. Буни яхши тушунган фуқаролар бу йил сабзи экишди. Эрта баҳорда яна маслаҳатлашиб, бозорбоп экинлар экишди.

Ишсиз аҳолининг талабларидан келиб чиқиб, аксариятига субсидия асосида 4 сотихдан иссиқхона қуриб берилмоқда. Даромад яхши бўлгани учун иссиқхонага бўлган талаб ортиб борапти. «Аёллар дафтари»га киритилган 83 нафар аёлнинг 25 нафарига тикув машиналари берилиб, ўзини ўзи банд қилишга эришилган бўлса, қолгани тумандаги иккита тикувчилик фабрикасига ишга жойлаштирилди. Шу тариқа, 112 нафар ишсиз аҳолининг 86



нафари ишли қилинди.

Маҳалла 2021 йил «Обод қишлоқ» дастурига киритилиб, бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ҳар бир хонадонга қувурлар тортилиб, аҳоли тўлиқ ичимлик сув билан таъминланди. 150 та симёғочлар бетон устунларга алмаштирилиб, барча кўчаларга тунги ёриткичлар ўрнатилди. 5 та кўча асфальтланди.

Яқинда «Менинг йўлим» лойиҳаси доирасида яна 1200 метр йўл асфальтланди. Оилавий поликлиника қайта таъмирланиб, барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Тез кунларда 120 ўринли давлат боғчаси фойдаланишга топширилади. «Маҳалла бешлиги» учун қулай шароитларга эга замонавий маҳалла идораси бор.

Уч километр нарида, маҳалла аҳоли пунктдан бироз ажралиб қолган Шоликор қишлоғи бор. Чорвачиликка ихтисослашган қишлоқда битта кўй фермаси бўлиб, яна битта бука фермаси қурилиб, иш бошлаш арафасида. Бу ердаги аҳолига кўмир ва газ баллонлари ўз ватқиди етказиб берилмоқда.

Шу кунларда «Яшил макон» лойиҳаси қизғин давом этмоқда. Кўча бўйларига олма, гилос, беҳи каби мевали дарахтлар, хонадонлар атрофига терак экилмоқда. Мақсад, ҳар бир хонадонни боғу бўстонга айлантириш...

Дилфуза ТОҲИРОВА,
Оққўрғон туманидаги Ҳамид Олимжон
номли маҳалла раиси.

ХАЙРИЯ

Саховат ва кўмак ҳар куни керак

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими раҳбари «Соқижон Каримовнинг таъкидлашича, фонд томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ой давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор, кам таъминланган ва табиий офатдан жабр кўрган 1 219 нафар фуқарога 526 миллион сўм миқдорда хайрия ёрдамлари кўрсатилган.



«Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳузуридаги «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан «Темир дафтар»га кирган 23 минг 368 нафар оилага 37 млрд. 356 млн. 195 минг сўмлик кўмак берилди. Жамғарма ҳисобидан «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга 214 млн. 870 минг сўмлик, шунингдек, 3 минг 754 нафар эҳтиёжманд оилага 9 млрд. 759 млн. 671 минг сўм миқдорда беғараз ёрдам кўрсатилди.

«Маҳалла» фонди Уставада тадбиркорлик фоолиятини ташкил этиш, тадбиркорлик тузилмалари фоолияти устидан назоратни амалга ошириш, раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитиш, ўз мол-мулкларини Республика бошқаруви қаро-

рига асосан тасарруф этилиши белгилаб қўйилган. Бу ишларни амалга оширишда Сергели ҳамда Янгиҳаёт туманлари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раҳбари Абдуғани Абдумажидов фаоллик кўрсатмоқда.

Биз бир-биримизга елкадош бўладиган, яхши-ёмон кунда қўллайдиган оқибатли инсонлармиз. Бунга яқин тарихимиздаги синовли кунларда яна бир бор қайта-қайта гувоҳ бўлдик.

Дарҳақиқат, шундай. Абдуғани ака ҳақ. Ҳақ йўлида ҳаловати йўқ, эл ташвиши билан яшаётган Ватандошларимиз сафи кўп бўлсин...

Мурод ТИЛЛАЕВ,
Ўзбекистон журналистлар
уюшмаси аъзоси.

26 нафар тадбиркор 80 та иш ўрни яратган бўлса, «Nestle», «D.Maretti», «Mustang» каби ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳар бирида камида 500 та иш ўрни мавжуд.

ТАЖРИБА

«Ташаббусли бюджет» зўр имконият бўляпти»



Маҳалламизда 5 590 нафар аҳоли яшайди. Асосий «драйвер»-имиз — чорвачилик. Бундан ташқари, хонадонларда кичик иссиқхоналардан яхши даромад топиляпти. Қувоанрлиси, ҳудудимизда бекорчи одамни топа олмайсиз. Шунга яраша шароит яратилган.

Масалан, жорий йил феврал ойидаги охири хатловда 8 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлса, бугун барчаси ишли. Энг катта ютуғимиз одамларимизда боқимандалик кайфияти йўқ. Йўқ деганда, ўзини ўзи банд қилган. 26 нафар тадбиркор 80 та иш ўрни яратган бўлса, «Nestle», «D.Maretti», «Mustang» каби ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳар бирида камида 500 та иш ўрни мавжуд.

Айни кунларда «Mustang» хусусий корхонаси қўшимча цех ташкил этяпти. Бу ерда 300 та иш ўрни яратилади.

Йилдан-йилга маҳалла инфратузилмаси яхшиланиб борапти. «2022-2023 йилларда маҳаллалар

инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, жорий йил ҳудудда бунёдкорлик ва ободончилик ишлари давом этди. 1 км. масофадаги йўлларни текислаш ҳамда асфальт ётқизиш ишлари бажарилди. Белгиланган масофадаги асфальт ётқизиш юмушлари 8-ўтиш «Марғилон» кўчасининг 100 метр, Фирдавсий кўчасининг 150 метр, 6-ўтиш Булоқбоши кўчасининг 600 метр қисмига тўғри келди. Маҳалладаги кўча бўйлаб йўл созлаш ишларини «Best story – 2020» МЧЖ ходимлари бажарди.

Бундан ташқари, ён-атрофимиздаги катта-кичик муаммолар — сув, табиий газ таъминоти, электр энергиясидаги узилишлар, йўл, ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш каби масалалар ечимида одамлар ташаббуси кўрсатмоқда. Бунда «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси зўр имконият бўлди. Биламизки, лойиҳа сармоёси биз тўлаётган солиқлардан шакллантирилади ва нисбатан кўп

овоз тўплаган қайсидир иншоот таъмирига йўналтирилади. Бу дегани, энди очик бюджет портали орқали ўзимиз қаерга ичимлик сув, қайси йўлни тузатиш, қайси боғча ёки мактабни таъмирлаш кераклиги ҳақида таклиф бера оляпмиз. Қувончлиси, таклифимизни маҳалладошларимиз қўллаб-қувватламоқда. Жараёнда бефарқ ва лоқайд бўлмаганимиз натижасида «Ташаббусли бюджет» нинг жорий йил август ойи босқичида 1320 миллион сўм маблағ ютиб олдик. Унга кўра, 6-ўтиш Марғилон, 10, 15, 18-ўтиш Янги аср кўчаларининг 2820 метр қисми асфальтланиши белгиланган. Ҳозирда лойиҳалаш ишлари якунланяпти.

Келгуси йилда амалга оширадиган ишлар режасига кўра, 6-ўтиш Марғилон ва Булоқбоши кўчасига 2 та трансформатор ўрнатилди.

Садриддин МИРАҲМЕДОВ,
Наманган шаҳридаги
«Янги аср» маҳалласи раиси.



Гулсон АБДУЛЛАЕВА,
Арносай туманидаги «Янгиўстон» маҳалласи раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Анъанани қанда қилмадик»

— Фаолиятимизда замонавий метод ва ёндашувларни қўллаш учун доим янгиликлардан хабардор бўлиб туришимизга тўғри келади. Шу мақсадда тизим ҳаётини кенг қамровли ёритиб берувчи «Mahalla» газетасини мунтазам ўқиб бораман.


Ундан бугун раисларга қандай ваколатлар берилган, аҳоли билан ишлашда кўпроқ нималарга эътиборли бўлиш кераклиги ҳақида жуда кўп фойдали маълумотларни оламиз.

Ўн саккиз йилдан буён маҳалла тизимида ишлаб келаётган бўлсам, газетани ўзимга энг яқин ҳамроҳ қилиб олганман. Бу йил ҳам доимий анъанани қанда қилмаган ҳолда, сентябрь ойидаёқ «Mahalla» газетасига обуна бўлдик.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Неъмат ШОМАТОВ,
Қўқон шаҳридаги
«Давронбек» маҳалласи раиси:

— Доимий иш билан бандларга меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ҳаммамизга маълум. Аммо айрим хусусий корхона ходимлари масофавий туриб ишлайди. Маҳалламиздаги айрим ишсиз фуқароларга ҳам шундай иш таклиф этилса, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби қандай бўлади?



Масофавий меҳнатга қандай ҳақ тўланади?

Лазизбек ҚАРШИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Масофадан туриб ишловчи ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнатга ҳақ тўлашнинг «вақтбай» тизимида ҳақиқатда ишлаб берилган вақт учун, меҳнатга ҳақ тўлашнинг «ишбай» тизимида эса ҳақиқатда бажарилган иш ҳажми учун амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш нормалари ва «ишбай» нархлар ишларни бажариш учун меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ белгиланган нормал иш вақтидан келиб чиққан ҳолда, меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра белгиланади.

Масофадан туриб ишловчи ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори иш берувчининг ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари билан таққосланганидан бўлиши керак.

Масофадан туриб ишловчи ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, башарти у меҳнат нормаларини ва меҳнат вазибаларини бажарса, қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги ва бирон-бир энг катта миқдор билан чекланмаслиги керак.

Масофадан туриб ишловчи ходим ўз меҳнатини амалга ошираётган жойда иш ҳақида нисбатан ҳудудий коэффициент белгиланган бўлса, масофадан туриб ишловчи ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ушбу коэффициент ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.



Алишер ХАЙДАРОВ,
Ховос туманидаги
«Дўстлик» маҳалласи раиси:

— Маҳаллада бир қатор фаолият турлари билан шуғулланаётган фуқаролар ўзини ўзи банд қилиш орқали ишсизлар рўйхатидан чиқарилган. Улар ўз хуналари билан оила бюджетига ҳисса қўшиб боришмоқда. Бунинг афзаллиги ариза берувчилар йилига бир марта БХМнинг 1 баравари миқдоридан ижтимоий солиқ тўлашарди. Айтишларича, айни кунларда муҳокамага қўйилган 2024 йил бюджет лойиҳасида ўзини ўзи банд қилганлар эндиликда даромад солиғи тўлашлари мумкинлиги кўзда тутилган экан. Бу қанчалик тўғри?

Ўзини ўзи банд қилганлар даромад солиғи тўлайдими?

МЕНДА САВОЛ БОР...

А.ЭЪЗОХОНОВ,
«Мадад» ННТ бош мутахассиси:

— Дарақат, Президентнинг «Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, ўзининг шахсий томорка ер участкасида бир қатор фаолият турлари билан шуғулланаётган фуқаролар томонидан йилига БХМнинг камида 1 баравари (330 минг сўм) миқдоридан ижтимоий солиқ тўлаш белгиланган. Бу орқали улар расмий банд бўлган аҳоли тоифасига киритилиб, ушбу давр уларнинг меҳнат стажига қўшилади.

Жумладан, чорвачилик (қорамол, қўй, эчки, от ва бошқалар), иссиқхона, паррандачилик (бедана, курка, ғоз, ўрдақ), қуёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик,

лимончилик, гулчилик билан шуғулланаётган фуқаролар юқоридаги имтиёздан фойдаланиши мумкин.

2024 йил бюджети лойиҳасига кўра, қатор имтиёزلардан воз кечилмоқда. Улар орасида ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларнинг йиллик даромади 100 млн. сўмдан ошганда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда солиққа тортиш йўлга қўйилиши белгиланмоқда. Шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини ўзaro солиштирган ҳолда, ўзини ўзи банд қилиш фаолияти турлари қайта кўриб чиқилади. Маълумот учун, даромад солиғи тўловчилар 2022 йилда 396 мингга ошган бўлса, 2023 йилнинг 9 ойида атига 70 мингга ошган.

Бу лойиҳа холос. Тасдиқланса амалга татбиқ этилади.

Эгамберди
УЗОҚОВ,
Нишон
туманидаги
«Пахтакор»
маҳалласи
раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Газетанинг кўмаги катта бўляпти»

— Маҳалла раиси сифатида бугун зиммамизда жуда катта масъулият борлигини доим ҳис қилиб тураман. Халқ билан ишлаш, уларнинг муножаатларига ижобий ечим топиш катта билим ва тажриба талаб этади.

Ўн саккиз йилдан буён маҳалла тизимида ишлаб келатган бўлсам, мунтазам равишда ўз устимда ишлашга, янги фаолият усуллари қўллашга ҳаракат қиламан.

Бу жараёнда менга «Mahalla» газетасининг ёрдами катта бўлиб келмоқда. Ундан доим ўзим қидирган маълумотларни топаман. Шунинг учун газетанинг кейинги йил сонлари учун обуна бўлдим.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Панжи ЛУТФИЕВ,
Қарши шаҳридаги «Темирийўлчи» маҳалласи раиси:

— Маҳалладаги тўй-маъракаларни йиғин аҳли биз билан маслаҳатлашиб белгилайди. Яқинда улардан бири 30 ноябрда тўй белгиланган, бироқ келиннинг яқин қариндоши оғир бетоблиги сабабли тўйни олдинроқ, 20 ноябрда ўтказишни таклиф қилишди. Бўлажак келин-куёв 1 ноябрда расмий никоҳдан ўтиш учун ФХДЭ органига ариза топширган. Тартиб бўйича никоҳ гувоҳномасини бир ойдан сўнг беришади. Бу вазиятда гувоҳномани эртaroқ олиш имкони борми? Зеро, бу ҳужжатсиз шаръий никоҳ ўқилмайди.

Расмий никоҳга рухсатни эртaroқ олса бўладими?

Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Оила кодексига кўра, никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг ФХДЭ органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Шу билан бирга, узрли сабаблар бўлганда ФХДЭ органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин. Алоҳида ҳолларда (ҳомилдорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар) никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин.

Демак, юқоридаги вазиятда маҳалладошингиз келин тарафдаги яқин қариндошнинг ҳақиқатда беморлигини исботловчи тиббий маълумотномани ФХДЭ бўлимига тақдим қилиши зарур. Шу асосда бўлажак оила вакиллари никоҳдан ўтади. Худди шундай, бошқа узрли сабаблар бўлганда ўша сабабни тасдиқлайдиган ҳужжат билан никоҳни муддатидан олдин расмийлаштириш мумкин.

Шу ўринда айтиш масалага оид қонунчиликдаги айрим янгиликларни келтириб ўтиш ўринли бўлади. 2023 йил 31 октябрдаги имзоланган қонунга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш киритилди. Яъни эндиликда никоҳи қонунда белгиланган тартибда қайд этилмаган шахслар ўртасида, шу жумладан, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш — БХМнинг 15 бараваридан (4 950 000 сўм) 30 бараваригача (9 900 000 сўм) миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди.

«PRIMEPRINT» МЧЖ (СТИП: 309950465) ўз Устав жамғармаси миқдорини 1 000 000 000 (бир миллиард) сўмдан 684 300 000 (олти юз саксон тўрт миллион уч юз минг) сўмгача камайтирилишини маълум қилади.
Маълумотлар учун: +998(90) 966-42-04

МАНЗАРА

«Саъй-ҳаракатимиз сайёҳлар сонини ошириш учун»

«Башир» маҳалласи Қашқадарё «дарёси бўйида жойлашган. Худудда 6 та қишлоқ бўлиб, 4 100 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Баланд-баланд чинорлар маҳаллага кўрк бериб туради. Худуд тоғ тизмалари билан туташиб кетган. Шунинг учун бу ерга ёз ойлари юртимизнинг турли вилоятлари ва хорижий мамлакатлардан саёҳатчилар келади. Маҳаллада зиёрат туризми, экотуризм ва агротуризм ривожланган.

Тоғли худуд бўлгани учун одамларнинг асосий тирикчилик манбаи — чорвачилик, деҳқончилик, туризм ва асаларчилик. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида айтиш мумкин бўйича 40 нафар фуқарога имтиёзли кредитлар олиб берилди. Уларнинг 16 нафарини ёшлар ташкил этади. Қолаверса, «Ёшлар дафтари» орқали яна 15 нафар ёшнинг контракт суммалари тўлаб берилди, моддий ёрдам кўрсатилди. Маҳаллада бирорта ишсиз фуқаро йўқ, аксарияти ўзини ўзи банд қилган. Деярли барча хонадонлар туризмга ихтисослашган.

Туризм — қишлоқларнинг асосий даромад манбаи. Худудда иккита — «Ҳазрати Башир» ҳамда «Хўжа Ҳасанота» зиёратгоҳлари жойлашган. Ҳазрати Башир қишлоқдаги Ниёзтепада дафн этилган. Эл орасида «Ҳазрати Башир қабри олдидаги арча дарахти у кишининг ҳассаси бўлган», деган ривоят юради. Айтишларича, Ҳазрати Башир ота ҳассасини улоқтириб, «Қаерга бориб тушса, ўша жой менинг қабрим бўлади», деган эканлар. Ҳасса йўғон томони билан ерга қадалиб қолади. Бу тилсимот ҳам, албатта, туристлар-



ни бефарқ қолдирмайди.

Ҳар йили бу ерга 10 мингдан зиёд маҳаллий ва хорижий турист келади. Ушбу маскан нафақат бетакрор табиати, балки ўзига хос тарихи билан эътибор жалб қилади.

Ҳозирда маҳаллага келувчи сайёҳлар сонини 20 мингга етказиш ва қишлоқни «туризм қишлоғи»га айлантириш учун қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, айтиш пайтда маҳаллада 30 дан зиёд оилавий меҳмон уйи фаолият юритмоқда. Бу хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун худудда кўпроқ қолиш ҳамда маҳаллий халқ турмуш тарзи билан яқиндан танишиш имконини беради. Сўлим табиат, мусаффо тоғ ҳавоси, шифобахш чашма, меҳмондўст қишлоқ одамлари, экологик тоза мевалар, хушхўр таомлар ва қалбларга сокинлик бағишловчи

зиёратгоҳ сайёҳларни ўзига жалб қилиши шубҳасиз.

Инфратузилмани яхшилаш мақсадида 4 км. ички йўл асфальт қилинди, 4 км. йўлга шағал ётқизилди. Маҳаллада кўчма тиббиёт пункти ташкил этилиб, янги трансформатор, электр устунлари ўрнатилди. Эндиликда маҳаллада осма дор йўли қуриш, оилавий меҳмон уйлари сонини 40 дан ошириш, яна 6 км. йўлни асфальтлаш кўзда тутилган. Қолаверса, бу жараёнда давлат-хусусий шериклик тамойили асосида маҳалла биносини янгилаш, иккита умумий овқатланиш шохобчасини қуриш, дарё бўйларида дам олиш жойларини кўпайтириш режамизда бор.

Тўйчи МУРОДОВ,
Китоб туманидаги
«Башир» маҳалласи раиси.

«БИР МАҲАЛЛА — БИР МАҲСУЛОТ»

«Олмадан юзлаб миллион даромад оладиган оилалар бор»

Маҳалламиз Деҳқонобод туманининг энг олис ва чекка аҳоли яшаш манзилларидан бири ҳисобланади. Пурвиқор тоғлар бағрида жойлашган бу худуднинг мусаффо ҳавоси, зилол суви, унмудор тупроғи, айниқса, боғдорчилик учун жуда қулай. Меҳнаткаш, ташаббускор қишлоқ одамлари бу имкониятдан тўлақонли фойдаланмоқда. Аҳоли томорқасида ҳам, деҳқон ва фермер хўжалиқларининг ер майдонларида ҳам гуркираган боғларни учратасиз.



Худуд аҳли олма етиштиришнинг ҳадисини олган. Бугунги кунда фақат олманинг ўзидан 300-400 миллион сўмлаб даромад топаётган оилалар кўп. Мисол учун, тажрибали боғбон Қурбонназар Норқобилов қарийб 50 йилдан буён олма етиштириш билан шуғулланади. Ҳозир боғдорчилик бўйича фермер хўжалигини ташкил қилган. Хўжалик тасарруфидаги 1,2 гектар ерда 350 туп олма дарахти бор. Ўтган йили 30 тоннадан ошқ ҳосил олди. Бу йил янада кўпроғини чамалаб турибди.

Қ.Норқобилов каби миришкор боғбонларимиз кўп, ҳар бири олма етиштиришда ўзига хос тажриба яратган. Энди ҳисоб-китоб қилиб кўринг, айтиш вақтда бир кило сара олманинг ўртача улгуржи баҳоси 10 минг сўмдан кам эмас. Буни 30 тоннага кўпайтирсак, 300 миллион сўм маблағ, дегани. Бу фермер учун кам даромад эмас. Сарчашмалик оилаларнинг бугунги фаровон ҳаёти замирида уларнинг ана шу тадбиркорлиги, меҳнатлари ҳосиласи мужассам.

Яна бир жиҳат — маҳсулотни

сотишда умуман муаммо йўқ. Ҳар йили ҳосил йиғими вақтида бу ерга кўплаб тадбиркорларнинг ўзлари келиб, олма сотиб олишади. Ҳатто харидорлар ҳали олмалар пишмасдан туриб, олдиндан бир қисм пулини тўлаб, боғларни банд қилиб кетишади. Сўнгра улар «Сарчашма» олмадарини мамлакатимизнинг барча худудлари ҳамда хориж бозорларига етказиб беришади.

Ўзига тўқлик, хотиржамлик одамларни бунёдкорлик ишларига рағбат уйғотади. Шу маънода маҳаллада бирорта кўримсиз, қаровсиз ётган иморатни учратмайсиз. Одамлар ўз кўчаси, хонадон атрофини озода сақлашга интилади. Шунга кўра, инфратузилма билан боғлиқ масалалар ҳомийлик, ўзаро ҳамкорлик асосида ҳал этиляпти. Мужими, маҳалла аҳли бугундан мамнун, мамлакатдаги ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшамоқда.

Очил МЕНГЛИЕВ,
Деҳқонобод туманидаги
«Сарчашма» маҳалласи раиси.



«Ободлик ҳаракати оғир аҳволдан қутқарди»

«Обод маҳалла», «Обод кўча», «Обод хонадон» мезонлари асосида «Ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, дастур бўйича 904 та хонадон хатловдан ўтказилди. Уларда 701 та муаммо аниқланиб, 630 таси ҳал этилди. 510 та хонадон таъмирланган бўлса, 29 тасида қайтадан қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари бажарилди. 135 тасининг ташқи қисми (фасади), 60 тасининг ички қисми таъмирланди. 274 тасининг ташқи ва ички қисми оқланиб, 21 тасининг том қисми янгиланди. 105 та хонадонларга қўшимча хўжалик бинолари қуриб берилди.

Эҳтиёжга асосан, маҳалла аҳолисига суюлтирилган газ баллонлари тарқатилди. 2,4 км. ичимлик сув тармоғи тортиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 2,4 км. қувурларни монтаж ишлари бажарилди. Шу билан бирга ҳудудга назорат кудуқлари олиб келинди. Электр энергияси таъминотини яхшилаш бўйича 8,3 км. тармоқ тортилиб, 390 дона бе-

тон таянчлар ўрнатилди. Электр таъминоти сифатини ошириш мақсадида 10 дона трансформатор пунктини (ТП) жорий таъмирлаш ва 1 дона янги (ТП) ўрнатиш ишлари бажарилди. Ички йўлларнинг 4 км. қисмига асфальт ётқизилди. Қолган қисмини асфальтлаш учун жойни тайёрлаш ишлари бажарилмоқда. Бундан ташқари, 6,9 км. йўл шағал-

лаштирилди.

Маҳаллани ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантириш мақсадида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими ишчи гуруҳи ташкил қилинди. Ҳоким ёрдамчиси кўмағида мавжуд 65 нафар ишсиз фуқаронинг 26 нафари ишли бўлди. 6 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди, 20 нафари ўзини ўзи банд қилди. Қолган 34 нафар фуқаро жамоатчилик асосида ишга жойлаштирилди. Кечагина оғир тоифада бўлган маҳалламиз бугун энг обод масканга айланмоқда.

Раҳматилла ОТАҚУЛОВ,
Қўштепа туманидаги
«Шомирза» маҳалласи раиси.

ОБОДЛИК

«Ишчи гуруҳ ҳар бир хонадон аҳволини ўрганипти»

Ҳудудимиздаги 1 118 та хонадон «Обод хонадон» мезони асосида хатловдан ўтказилди. Аниқланган 917 та муаммо ҳал этилди. Бугунги кунга қадар 14,5 км. ичимлик сув тармоғи тортилиб, 156 дона бетон-кудуқ қурилди, ичимлик сув кудуғини қовлаш ишлари олиб борилди, 13,7 км. тармоқ тортилди.

Электр таъминоти сифатини ошириш мақсадида трансформатор пункти ҳамда ҳаво линиялари мукамал таъмирланди. 215 дона темир бетон таянчлар ўрнатилди.

Мозортаги кўчасидаги 2,35 км. тупроқли ички йўллар шағаллаштирилди ва махсус техникалар ёрдамида текисланди. Рўзиқул кўчасидаги 120 кв.м ички йўллар



асфальтланди. 200 метр йўл четига темир бетон ўрнатилди. 250 метр пиёда йўлаклари қурилди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими томонидан ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи ташкил қилиниб, хонадонларда ўрганишлар олиб борилмоқда. Хатловда 130 нафар

ишлаш истаги бор ишсиз фуқаролар аниқланди. 100 нафари иш билан таъминланди.

Дастурга кўра, маҳалла биносини мукамал таъмирлаш белгиланган бўлиб, бугунги кунга қадар томни янгилаш ишлари якунланди. Электр тармоқ мукамал таъмирланди ҳамда эшик ва ром ўрнатилди.

Маҳаллада атиргулчилик хўжалиги ташкил этилиб, ишсизларга тадбиркорлик ёки ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошлашлари учун турли асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари етказиб берилди.

Мирзаакбар ИСМОИЛОВ,
Қува туманидаги
«Қорақум» маҳалласи раиси.

ТАЖРИБА

«Қувончли воқеалар армонларни аритяпти»

Маҳалламиз оғир тоифадаги ҳудуд ҳисобланиб, инфратузилма билан боғлиқ муаммолар йиллар давомида ечимини кутаётганди. Дастурга кўра, хатловда белгиланган 485 та хонадон таъмирланди. 310 тасига қўшимча хўжалик бинолари қуриб берилди.



Табиий газ тармоғининг 4600 метр қисми бўёқланди ҳамда 115 та таянч устунлари алмаштирилди. Жами 465 та хонадонга ичимлик сув тармоғи тортилди. Оқова сув муаммосини ҳал этиш учун 2 та кудуқ қуриш режалаштирилган. 175 дона бетон таянчлар ўрнатилиб, 43 та хонадон тармоққа уланди. Намуна-2 кўчасидаги трансформатор жорий таъмирланди. 2 дона трансформатор пункти янгиланиб, 6 км. электр тармоғи тортилди. 4 км. ички йўл асфальтланди. 4,95 км. шағаллаш ишлари олиб борилди. Равнақ ва Намуна-1 кўчаларида жами 850 метр пиёдалар йўлаги ташкил қилинди. Намуна-3 кўчасининг 77 метр қисмига латок ўрнатилди. Худудда 2,8 км. ички зовурлар қавланди.

Яна бир қувончли янгилик — маҳалла биноси учун жой ажратилиб, қурилиш ишлари бошланди. Худуднинг кириш қисмига маҳалла номи ўрнатилиб, 200 туп арча, 800 туп гул кўчатлари ўтқазилди. Замонавий мактаб биноси, «BOOK CAFE» қуриб, фойдаланишга топширилди. Шу мактаб ҳудудида «Аёллар дафтари»га киритилган ишсиз хотин-қизларни касбга ўқитиш маркази очилди. «Хавфсиз маҳалла» тамойили асосида Намуна-1 кўчасининг кириш қисмига 2 та кузатув камераси ўрнатилди. Тиббий кўрик ўтказилиб, 10 нафар фуқаро туман шифохонасига, 1 нафари Қўқон шаҳар шифохонасига жойлаштирилди. 4 нафарига бепул даволаниш учун ордер берилди.

Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида 2 нафар фуқарога ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди, 6 нафар фуқаро хусусий корхоналарга мустақил равишда ишга юборилди. 15 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, 3 нафари чеварчилик ва ошпазлик курсларига юборилди. Ҳоким ёрдамчиси кўмағида 78 нафар фуқаро ишга жойлашди. 17 нафар тадбиркорлик қилиш истаги бор фуқарони бандлигини таъминлаш мақсадида 510 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилади. 20 нафар аёлга, 5 нафар ёшга субсидия асосида асбоб-ускуналар берилди.

Зoirжон КАРИМОВ,
Фурқат туманидаги «Чиркай» маҳалласи раиси.

